Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН
№ 133 (13.995).

1968 ИЮНЬ 9 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

ЧССР ВАКИЛЛАРИ РИГАГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

ЧССР Миллат Мажлисининг Раиси, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Йозеф Смрковский бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикаси Миллат Мажлисининг делегацияси 8 июнда Москвадан Ригага жўнаб кетди. Сўнгра қардош халқ вакиллари Ленинградни бориб кўрадилар.

Сафарда делегацияга СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР Олий Советининг депутати М. В. Зимянин ҳамроҳлик қилмоқдалар. (ТАСС).

САВДО МАДАНИЯТИ

Магазинга харидор кирди. У ўзига ёққан энг яхши молни танлаб олмоқчи. Унга сотувчининг ширин муомаласи, эътибори керак. Бу ўринда сотувчидан ниҳоят зўр масъулият, кишиларга меҳр-муҳаббат талаб қилинади. У ҳар бир харидорга хоҳлаган товарини топиб беришдан ташқари, ёқимли муомаласи, фойдали маслаҳатлари билан ёрдам бериши керак. Харидорнинг кайфияти, қувончи ҳар бир савдо ходими учун бахт келтиради.

Мамлакатимизда ҳар куни миллионлаб совет кишилари магазинлар, умумий овқатланиш корхоналарининг хизматидан фойдаланади. Мамлакатимизнинг ҳамма жойларида — қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам савдо тармоқларини кенгайтириш, савдо маданиятини ошириш халқ фаровонлигини ошириш соҳасида партиямиз белгилаган улкан программанинг таркибий қисмидир. Халқ истеъмол товарларининг хиллари кўпайиб, сифати яхшиланган, меҳнаткашлар турмуш даражаси ошган сари савдони ташкил этиш, жойларда савдо маданиятини ҳар томонлама ривожлантиришга бўлган талаб тобора ошиб боради. Шуни ҳисобга олиб, партия ва ҳукуматимиз ҳали истеъмол молларини кенг миқёсда ишлаб чиқариш, сифатини яхшилаш, савдо маданиятини бутун чоралар билан кўтаришга кун сайин эътибор бермоқдалар. Буни республикамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, бултур республика аҳолисига 172 миллион сўмлик хилма-хил моллар сотилди. Бу эса аввалги йилдагидан 10,6 процент ортиқдир. Шунингдек, умумий овқатланиш корхоналари обороти ҳам 9 процентга кўпайди.

Қишлоқ ва шаҳарларимиз меҳнаткашларининг пул даромадлари йил сайин ошаётгани натижасида кенг истеъмол молларига, айниқса шойи газламаси, кийим-кечаклар, уй жиҳозлари, маданий молларга бўлган талаб кучаяпти. Буни шундан ҳам кўриш мумкинки, агар бундан ўн йил бурун, яъни 1957 йилда қишлоқда йилига атиги 5 минг дона холодильник, 9 минг дона кир ювиш машинаси сотилган бўлса, бултур 45 минг дона холодильник, 63 минг дона кир ювиш машинаси сотилди. Шунингдек, радиоприёмникилар ва телевизорлар билан савдо қилиш ҳам сакраб марта кўпайди. Жойларда савдо маданиятини ошириш, харидорлар билан алоқа қилишнинг энг илғор ва мақбул формаларидан фойдаланиш соҳасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда қишлоқларимизда ўз-ўзига хизмат қилувчи 1000 та ва ихтисослашган 3200 та магазин аҳолига намунали хизмат қилмоқда. Таъминоти, жиҳозлари, савдо маданияти жиҳатидан улар шаҳарникидан деярли қолишмайди.

Республикамизда савдо маданиятини ҳар томонлама ривожлантираётган, ўзининг намунали хизмати билан қишлоқ ва шаҳар аҳлининг тахсинига сазовор бўлаётган савдо ташкилотлари анчагина бор. Чунончи, Андижон область, Москва район матлубот жамиятининг шуҳрати узоқ-узоқларга кетган. Мазкур савдо ташкилотининг ходимлари аҳолини кенг истеъмол моллари билан таъминлаш, меҳнаткашлар талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб шу асосда иш юритишда, ҳар бир савдо жойида кишиларга халол хизмат кўрсатиш, ширинналом бўлиш соҳасида ибратли ишларни қилмоқдалар. Бу ерда савдо қилишнинг энг прогрессив формаларидан кенг фойдаланилмоқда. Савдо маданиятини оширишдаги хизматлари ва ташкилотчилиги учун район матлубот жамиятининг раиси ўртоқ Абдуғани Ҳамидов Ленин ордени билан мукофотланди. Бундай мисолларни республикамиз ҳаётидан кўплаб келтириш мумкин. Масалан, Бухоро области районлари ва шаҳарлари савдо ходимлари ҳам, Наманган области кооператорлари ҳам аҳолига сидқидилдан, ҳалол хизмат қилишда намуна кўрсатмоқдалар.

Бироқ, ҳамма жойда ҳам савдо тармоқлари давр талабларига, меҳнаткашлар талаб-эҳтиёжларига мос ҳолда ишлаяпти деб бўлмайди. Буни яқинда республикамиз кооператив савдоси ташкилотларида ўтказилган пайчилар йиғилишларида билдирилган фикрлардан яқкол англаш мумкин. Чунончи, Самарқанд областидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» совхозининг механизатори Маматқулов пайчилар йиғилишида сўзга чиқиб, қишлоқ магазинларида аҳоли учун энг зарур бўлган товарлар танқислиги, айниқса болалар кийим-кечаклари, пойафзаллар, мактаб формалари кам эканлиги ҳақида куйиниб гапирди. Бундай танқидни Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент области айрим районлари савдо ташкилотлари шаънига ҳам бемалол айтиш мумкин.

Савдони намунали ташкил этиш шартларидан бири — савдо ташкилотлари билан кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни янада мустаҳкамлашдан иборатдир. Лекин айрим савдо ташкилотлари билан саноат корхоналари ўртасидаги алоқалар кўнгилдагидек эмас. Натижада баъзан аҳоли учун жуда зарур бўлган моллар магазинда бўлмай қолади, унинг ўрнига керексиз ёки мавсумбоп бўлмаган товарлар магазинларда узоқ вақт туриб қолади.

Савдо маданиятининг савияси кўп жиҳатдан бу соҳада ишлаётган кадрларнинг талантига, қобилиятига, ташкилотчилигига боғлиқ. Тажриба шуни кўрсатадики, қаерда савдо ташкилотлари малакали кадрлар билан таъминланган бўлса, ўша ерда савдо маданияти кўнгилдагидек бўлади. Бизда ўзининг бутун умрини, қобилиятини савдога бағишлаган ажойиб ходимлар бор. Уларга харидорлар ҳамиша раҳмат айтадилар. Бироқ, айрим магазинлар ва умумий овқатланиш корхоналари ноинсоф, меҳнаткашларга дағал муомалада бўладиган ходимлардан халигача қутила олганлари йўқ. Бундай ходимлар ўз касбини ҳам, харидорларни ҳам ҳурмат қилмайдилар, энг яхши молларни прилавка остидан сотишга ҳаракат қиладилар.

Магазинлар ва умумий овқатланиш корхоналарида рекламани намунали йўлга қўйиш ҳам савдо маданиятининг бош талабларидан биридир. Харидорларни кенг истеъмол молларининг энг сўнгги хиллари билан ўз вақтида хабардор қилиб туриш, товарларнинг сифати ва афзалликлари тўғрисида консультациялар бериш айниқса муҳим.

Совет савдоси коммунистик қурилишнинг антив бунёдкорлари — совет кишиларига хизмат кўрсатиш маданиятини кун сайин ошириб бориши лозим. Чунки меҳнаткашларнинг унумли ишлаш, турмушининг фаровон ва гўзал бўлиши, бўш вакт ларидан самарали фойдаланиши савдо маданиятига, кўли гул, хушмуомила савдо ходимларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Партия, совет ва касаба союз ташкилотлари буни кўзда тутиб, жойларда савдо маданиятини ҳар томонлама кўтариш учун бутун чораларни ишга солишлари лозим.

Бугун — енгил саноат ходимлари куни

ДАРД КЎРМАСИН

Қорачадан келган, пишиққина, ҳар бир операцияни бажариб бўлганда ўзича жилмайиб қўядиган йигит бир меъёрда ишламоқда. Соҳ андозани чарм устига қўяди. Баъзан қайчини ишга солади. Бир қарасангиз чармни қўлига олиб қайси қисмидан қанака деталь чиқариш мумкинлигини ўзича чамалаб кўраётган бўлади. Кечгача унинг иши шу зайлда давом этади.

Кўзлари тийрак, қайчини ножўя ишлатмайдиган бу йигитни Тошкентдаги 2- пойафзал фабрикасидагилар жуда ҳурмат қилишади. Ҳурмат ўз-ўзидан келавермаслиги ҳаммага аён. Мухторжон ҳалол меҳнати билан, ҳамкасблари ўртасида одамшавандалиги билан, касбига меҳр билан иззатикром орттирган. Унинг ишини бир муддат кузатиб турдик. Ҳар бир ҳаракати ҳисоб-китобли. Иш вақтидан унумли фойдаланиш тадбирларини кўради.

Унинг дўстлари «Мухторжон — ота касбини улуғлаётган йигит» деб мақташди. Дарҳақиқат у пойафзалчилар оиласининг вакили. Раҳматлик Миразиз ота фарзандларига жуда яхши ибрат бўлди. Тошкентнинг ветеран пойафзалчиларидан бири эди. У революциядан олдинги косиблик машаққатларини кўрган. Совет замонасида пойафзалчилик бошқача бўлиб қолганлигини — иш шароити яхшиланган, иш жараёнлари осонлашган, машина-механизмлар меҳнатни енгиллаштираётгани, меҳнат қадр ва ҳурмат келтираётгани хусусида ўғил-қизларига ҳикоялар сўзлаб бергувчи эди.

Бора-бора фарзандлари ҳам ота касбини эгаллашди. Миразиз ота Салимовнинг қизлари Лазиза билан Шарифа ҳам пойафзалчи. Мухторжон 10- синфни тамомлаганидан сўнг баъзи бир ёшларга ўхшаб иккиланиб ўтирмади. Пойафзал фабрикасига кириб ишлади. Ўшанга ҳам 11 йилдан ошди. Мухторжон Миразиз оталар оиласидаги кенжа пойафзалчи. У ота касбини улуғлаб, ишлаб чиқаришда намуна кўрсатмоқда.

Мухторжоннинг қандай қилиб пойафзалчи бўлиб қолганлигини шундагина билиб олдим. Ҳамкасбларининг таъриф-тавсифлари Мухторжон билан суҳбатлашишга даъват этди. У шундай ҳафсала билан ишлардики, ҳалақит бергинг келмайди. Салом-алик ҳам малол келадими деган мулоҳаза билан ёнига бордик... Саволларга ишлаб туриб жавоб берар, фикрларини рақамлар билан исботлар, мулоҳазаларида пойафзалчи мутахассисларга хос қиёслаш бор.

Башариятнинг улуғ доҳийси В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини меҳнат зафарлари билан нишонлаш мусобақасининг фабрикадаги ташаббускорларидан бири мана шу йигит. Беш йиллик планни тўрт йилда бажариш учун курашмоқда. Мажбуриятга яраша меҳнат қилаётганлигини рақамлар тили билан ҳикоя қилсак, Мухторжоннинг фаолияти ёркинроқ намоён бўлади. Смена топшириқларини 115-120 процент адо этмоқда.

— Планга қўшимча бажарилган 15-20 процентнинг мазмунини боқчачарок тушунтириб беролмайсизми? У бир оз ўйланиб қолди. Саволга жавоб беролмаганлиги ифодаси деб ўйламанг. Ўзи сермулоҳаза йигит. Бир нималарни ҳисоблаб кўриб, бундай деди:

— Бунинг мазмунини тушунтириш осон. Ҳар сменада норма бўйича 84 та тайёрлама бичиб чиқаришим керак. Бичиқчилик — етти ўлчаб бир кесишни талаб қиладиган касб. Ҳафсала билан ишлаётганим учунми, ҳар қалай, смена давомида 100—120 тага етказиб тайёрлама ишлаб чиқармоқдаман.

— «Етти ўлчаб, бир кесиш» деганингизни изоҳлаб берсангиз.

— Бу, аввало, нозик иш деганим. Бунга эришмоқ учун тажриба зарур. Тажриба эса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Касбимга қизиққаним учун илғорлар тажрибасини ўрганиш менга одат бўлиб қолган. Устозимдан ўрганганларим мени тўғри йўлга солиб юборди. Илғорлардан ўрганганларим малакамни оширди. Ким илғор бўлса, унинг шу соҳадаги сирларини билиб олишга интиламан. «Етти ўлчаб, бир кесиш» деганим ҳам шунинг натижаси бўлса ажаб эмас. Ой сайин тайёрлама бичиб чиқариш учун берилган устки чармнинг 2,6—2,7 процентини тежаб қолишга эришмоқдаман.

Ҳамроҳимиз, корхона бош инженери Лев Моисеевич Березовский бу гапдан кейин маъноли жилмайиб қўйди. Мухторжоннинг мадҳини у давом эттирди.

— 2,6—2,7 процент миқдорида устки чарм тежаш ҳар қанақа бичиқчига ҳам насиб бўлавермайди, — дейди Лев Моисеевич. — Мухторжон ҳақиқатан ҳам уста бичиқчи. Ҳалиги процентларнинг маъзи чақиладиган бўлса, ҳар сменада тежалган чарм ҳисобига 20—30 жўфт пойафзал ишлаб чиқариш мумкин. Шундай ишчиларимиз кўпайиб бораётганидан мамнунмиз.

Мухторжон Азизов айрим бичиқчиларга ўхшаб пала-партиш иш тутмайди. Чарм устига андоза қўйганда, тайёрлама қирқаётганда мулоҳаза билан иш юритади. Аввало, ихтиёридаги чармнинг ранги, қалинлиги, жилвасини обдон ҳисобга олади. Уларнинг энг яхшисини танлаб олиб, модали пойафзаллар учун тайёрламалар ишлаб чиқаради. Агар андоза ўйламасдан қўйилса, дуч келган жойдан қайчи юргизиб кетиларса, аввало исрофгарчиликка йўл қўйилади. Мухторжон чарм устига андоза қўяётганда, чармнинг қолган қисмидан қандай деталлар тайёрлаш мумкинлигини эътиборга олади. Шу тариқа у яхлит чарминг бир энлиги ҳам чиқитга чиқмаслиги учун курашмоқда.

Сифат учун курашда ҳам Мухторжон мақтовли. Саратовликларнинг илғор усулига амал қилиб, маҳсулотни биринчи кўрсатишдаёқ техника контроли бўлимига манзур қиляпти. Бу, ана шу ишчи нуқул биринчи сортли маҳсулот ишлаб чиқараётганининг далили.

Ўн йил олдин у устози тажрибаларини ўрганишга чанқоқ шогирд эди. Энди ўзи устоз бўлиб қолди. Ҳар йили биттадан малакали пойафзалчи шогирд тайёрламоқда. Улар қисқа вақт ичида мустақил ишлашга қўчирилаётгани устозининг довруғини оширмоқда.

Куни кеча корхона илан бўлимининг ходимлари Мухторжон Азизовнинг Енгил саноат ходимлари байрамига олган мажбуриятлари қандай бажарилаётганини ҳисоблаб чиқишди. Яхлит натижа шу бўлдики, бу илғор ишчи мардона меҳнат қилганлиги сабабли байрам шарафига олган мажбуриятини ошириб ado этди. Шу кеча-кундузда беш йилликнинг учинчи йили август ойи ҳисобига ишламоқда.

Бугун элни чиройли кийинтириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган кишилар қатори, уста пойафзалчи Мухторжон Азизовнинг ҳам қўли сира дард кўрмасин дейиб.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

Суратда: Мухтор Азизов.
И. Глауберзон фотоси.

ҚЎШИМЧА МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

НАМАНГАН, 7 май. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали). Бу йил наманганлик пилла усталарининг хирмони жуда баракали бўлди. Улар давлатга «кумуш тола» сотиш планини муддатидан анча илгари бажариб, дастлаб планга қўшимча равишда 200 тонна пилла тайёрлаш ҳақида сўз беришган эди. Бу мажбурият тез орада муваффақиятли адо этилди. Шундан сўнг, область пиллачилари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, яна 150 тонна пилла топшириш мажбуриятини олишди. Мана, ҳозир олинган ана шу қўшимча мажбурият ҳам тўла бажарилди. Областнинг давлатга сотган жами пилласи 2000 тоннага етай деб қолди.

Пилла тайёрлаш давом этяпти.

А. МАДУМАРОВ.

ЎТТИЗ БЕШ ЦЕНТНЕРНИ КЎЗЛАБ...

Бу йил экиш ҳамма жойдагидек бизнинг шароитда ҳам анча қийинчилик билан ўтди. Ерга чигит қадаётган кунларда тез-тез ёмғир ёғиб турди. Дастлабки кунларда ерга тушган чигит анча туриб, униб чиқди. Баъзи участкаларда кучли қатқалоқ пайдо бўлди. Бутун кучни сафарбар этиб, қатқалоқни ўз вақтида юмшатиб бордик. Жуда хатарли, кучли қатқалоқ босган 146 гектар ерда қайта чигит экдик. Натижада май ойининг биринчи ярмидаёқ 1615 гектар ердаги чигитни тўла ундириб олишга эришдик.

Биз чигитни ундириб олиш билан қараб турмадик. Ҳар бир гектар ва қаторда ғўза тупларининг тўла бўлиши учун экишдан кейинги тадбирларни пухта амалга оширдик. Қатқалоғи юмшатилган каттаپарни эгат оралатиб суғоришга киришдик. Май ойининг учинчи ўн кунлигида шундай участкалардан 500 гектарини заҳлатиб суғордик. Етилиши билан қатор ораларини культивация қилдик. Пайкаллар механизаторларга бириктилди.

Шу кунларда ғўза қатор ораларини культивация қилишда 40 та «универсал» трактор ишлаб турибди. Буларнинг ярмидан кўпи кунлик нормани ошириб бажармоқда. Шоди Неъматов, Бобомурод Нажимов, Қорабой Шовкиев, Кўчкор Раҳимов ўртоқларнинг ҳар бири шу кунгача 160 гектар ердаги ғўза қатор ораларини культивация қилди. Барча майдонларда шу кунгача кўпалангига 1,3 марта ва узунасига 1,8 марта культивация қилинди. Суғориш учун 800 гектардан кўпроқ майдонда эгат олинди.

Биз кузги шудгорлаш олдидан ҳамма пахта майдонига минерал ўғит солган эдик. Экиш даврида ерни яна ўғитладик. Дастлабки парвариш даврида ҳам ғўзани 1,3 марта озиқлантирдик. Умуман хозиргача 1968 йил ҳосили учун ҳар гектарига ўрта ҳисобда 600 килограммдан минерал ва беш тонна шоналагунча берамиз, ундан кейин азотли ўғитларни селамиз. 10 июлгача ғўзани яна икки марта озиқлантирамиз, ҳар гектарига 400 килограммдан азотли ўғитлар солишни, ҳаммаси бўлиб, гектарига минг килограммдан минерал ўғит беришни планлаштирганмиз. Бунинг учун етарли миқдорда минерал ва маҳаллий ўғитлар жамғарганмиз.

Биз ғўза парваришини агротехника талаблари асосида олиб бориб, кейинги икки йил ичида хосилдорликни 11 центнер кўтардик. Колхозимиз райондаги юқори ҳосилли хўжаликлардан бирига айланди. Биз бош йилликнинг учинчи йилида ҳар гектардан 35 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилганмиз. Барпо Бўронов, Усмон Исломов, Бобоқул Умаров ўртоқлар бошлиқ бригада пахтакорлари эса ҳар гектар ердан 40-45 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар.

М. ШОФИЕВ,

Нарпай районидаги «Правда» колхозининг бош агрономи.

ҚУШИҚЛАР ВЛТАВА БИЛАН ВОЛГАНИ ҚУШИБ ЮБОРДИ

Россия Федерациясида Чехословакия Социалистик Республикасининг маданият кунлари ёрқин, таъсирли қардошлик байрамига айланди.

7 июнда Кремлдаги Съездлар саройида ЧССР ва РСФСР санъат усталарининг якунловчи концерти бўлиб ўтди.

Томошабинлар чехословакиялик дўстларни — ЧССР Миллат Мажлиси Раиси, Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Йозеф Смрковский бошчилигидаги Миллат Мажлиси делегациясини, Чехословакия маданият арбоблари делегациясини, ЧССРнинг СССРдаги элчиси Владимир Коуцкийни қизғин табрикладилар.

...Парда очилиб, сахнада маданият кунларининг кўркам эмблемаси билан «Совет Иттифоқи ва Чехословакия халқларининг қардошларча дўстлиги мустаҳкамланверсин» деган шиор кўринади.

Сметана ёзган «Влтава» симфоник поэмасининг улуғвор, оҳанграбо куйлари Кремлнинг баланд гумбазлари узра янграйди. «Влтава» кетидан ҳаммага таниш «Она дарё — Волга бўйлаб» деган рус қўшиғининг тароналари янграб, бамисоли икки азим дарё бир-бирига қўшилишиб кетгандай бўлади.

Сахнада бирин-кетин Прага ва Москва, Ленинград ва Братислава, Острава ва Омскнинг энг яхши артистлари санъатларини намойиш қилишди.

Концертда Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, Н. В. Подгорний, К. Ф. Катушев ва бошқа ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пилла топшириш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар:

Андижон области (область партия комитетининг секретари **Б. Раҳимов**, область ижроия комитетининг раиси **П. Қаюмов**, область комсомол комитетининг секретари **А. Комилжонов**, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Д. Болтабоев** ўртоқлар).

Самарқанд области (область партия комитетининг секретари **С. Усмонов**, область ижроия комитетининг раиси **С. Ҳамроқулов**, область комсомол комитетининг секретари **М. Ҳасанов**, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Г. Прихожан** ўртоқлар).

Андижон области (район партия комитетининг секретари **Ж. Балалов**, район ижроия комитетининг раиси **Ш. Каримов**, район комсомол комитетининг секретари **Г. Абдурасулов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **М. Сатторова** ўртоқлар).

Бўз области (район партия комитетининг секретари **А. Исмоилов**, район ижроия комитетининг раиси **Т. Хўжақосимова**, район комсомол комитетининг секретари **Д. Мўминов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **А. Усмонов** ўртоқлар).

Москва области (район партия комитетининг секретари **С. Ниёзов**, район ижроия комитетининг раиси **В. Усмонов**, район комсомол комитетининг секретари **М. Ерматов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **М. Тўраев** ўртоқлар).

Ленин области (район партия комитетининг секретари **Х. Мамажонов**, район ижроия комитетининг раиси **А. Йўлдошев**, район комсомол комитетининг секретари **С. Низомов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Г. Тоҳиров** ўртоқлар)

Хўжайли области (район партия комитетининг секретари **А. Ражабов**, район ижроия комитетининг раиси **С. Юсупова**, район комсомол комитетининг секретари **Э. Ораниёзов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Ж. Жўлдосев** ўртоқлар).

Қува области (район партия комитетининг секретари **Д. Султонов**, район ижроия комитетининг раиси **Х. Эрматов**, район комсомол комитетининг секретари **М. Жайнақов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **М. Нурматов** ўртоқлар).

Қаттақўрғон области (район партия комитетининг секретари **С. Тўқлиев**, район ижроия комитетининг раиси **Т. Халилов**, район комсомол комитетининг секретари **А. Тиллаев**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **А. Кораев** ўртоқлар).

Пастдарғом области (район партия комитетининг секретари **У. Шоражабов**, район ижроия комитетининг раиси **А. Худойқулов**, район комсомол комитетининг секретари **Р. Тўраев**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **А. Лодина** ўртоқлар).

Хатирчи области (район партия комитетининг секретари **У. Жамолов**, район ижроия комитетининг раиси **Б. Очилов**, район комсомол комитетининг секретари **З. Барноева**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **М. Югай** ўртоқлар).

Пайариқ области (район партия комитетининг секретари **А. Мелиев**, район ижроия комитетининг раиси **Б. Тоҳиров**, район комсомол комитетининг секретари **Н. Раҳмонов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **Т. Шокиров** ўртоқлар).

Косон области (район партия комитетининг секретари **Д. Конкулов**, район ижроия комитетининг раиси **Н. Шерқулов**, район комсомол комитетининг секретари **Т. Исмоилов**, марказий пилла қуритиш пунктининг директори **С. Қўзибоев** ўртоқлар).

ВАЪДАБОЗЛАР

— Бай, бай, бу йилги ўтларга ҳайронман. Қайнаб чиқяптими. Бу ёқдан биттасини юлиб ташласанг, одам билан ўчақишгандек, нарёқдан иккита бўлиб кўкараверади.

Бригадир Очил Сафоевнинг фиғони фалакка чиқиб турганда, ҳамкасби эмасми қўшни бригаданинг бошлиғи Шокир Тожиев унга далда бермоқчи бўлди:

— Бошга тушганини кўз кўради. Ҳадеб ташвишланаверманг, ўзингизни олдириб қўясиз. Кимнинг даласида йўқ бу офат. Ўт босган ер сизда 10 гектар бўлса, бизда 15 гектар.

Икки бригадир супага ёнбошлаб, ҳасраталашмоқчи, бир лаҳза дам олишмоқчи эди, колхоз партия ташкилотининг секретари бош агроном Шомурод Раҳимбоев уларнинг ғоромини бузди. Салом-аликдан сўнг аввал бола-чақанинг, сўнг ғўзанинг аҳволини суриштирди. Шунда бригадир Очил Сафоев нима деди денг:

Очил Сафо дерлар менинг отимни,
Томоғимдан ўтмас овқат найлайин.
Жон агроном тингланг арзин додимни,
Ғўзаларни босди офат, найлайин.

— Шунақами? Томоғимдан овқат ўтмай қолди денг. Шунинг учун ҳам дала шийпонида иссиқ овқат тайёрланмаётган, одамлар уйларига қатнаб вақтни йўқотаётган экан-да, — пичинг қилди партком секретари.

Энди гапни бригадир Шокир Тожиевдан эшитинг:

Ўт еб кўйди ғўза ризқи-рўзини,
Билмадимми ёки ишнинг кўзини,
Елгон деманг Шокир Тожи сўзини,
Ҳеч уйқу йўқ, вақт ҳам қаҳат, найлайин.

— Уйқудан қолганингиз афтингиздан сезилиб турибди. Ковоқларингиз шишиб, ҳадеб эснаяпсиз, — деди киноя ли оҳангда бош агроном.

ФЕЛЬЕТОН

Раҳимбоевнинг ўзи ҳам хийла чарчагани эҳтимолли. чўккa тушиб бригадирлар билан отамлашиб ўтирди. Тўғри, пахта мавзуида ҳам гап бўлди. Колхозда аҳвол ташвишли эканлиги. Раҳимбой Қурбонов бошлиқ бригадада сифат бузилганлиги, чигит ола кўкарганлиги, далаларда ўт қайнаётганлиги, интизом бўшлиги ҳақида агроном зарда билан гапирди. Бригадирлардан: «Ўтни йўқотамизми эштитаг, агроном акамиз ўзининг таноби кочиб ялла бошлади.

Бригадир акалар баракалла, «Бажарамиз» дедингиз, сизга балли! Омон-омон, ёр-ёр-ей, яли-яли, Ғаниматдир бир дам суҳбат, найлайин...

Хуллас калом, Ҳазорасп районидаги «Ленинизм» колхозида кунлар ваъдабозлик, ҳайбаракаллачилик билан ўтяпти. Ғўзаларни бегона ўт босиб, ривожланиши кечикяпти.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТУРКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ЙИЛНОМАСИДАН

1918 ЙИЛ

1 ЯНВАРЬ. Тошкентда 12 та большевистик партия ташкилотлари бўлиб, улар ҳисобидаги коммунистлар сони 465 кишн эди.

7 АПРЕЛЬ. Черняево (Чимкент)да меҳнаткаш ўзбекларнинг митинги бўлди. Митингда 2 мингдан ортиқ киши қатнашди. Митинг қатнашчилари Совет ҳокимиятига ишонч тўғрисида қарор қабул қилдилар ҳамда «Ўзбек ишчи партияси» (большевистик партия ташкилоти) тузишга қарор қилинди. Бу ташкилот Қиргизистон большевистик ташкилотларига бирлашиши мўлжалланган эди.

22 АПРЕЛЬ. РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси В. И. Ленин Туркистон Советлар V съезди ва Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Совети адресига табрик телеграммаси юборди. У ўз телеграммасида Халқ Комиссарлари Совети Туркистон автономиясини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаяжагига ишонтирди.

17 МАЙ. В. И. Ленин Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм ажратиш тўғрисидаги Халқ Комиссарлари Советининг Декретига имзо чекди.

17—25 ИЮНЬ. Тошкентда «Озодлик» уйида Туркистон Коммунистик партиясининг I съезди бўлиб ўтди. Съездга 2 мингга яқин партия аъзоси номидан 43 делегат қатнашди Съезд жойлардаги аҳвол ҳақидаги докладларни эшитди, мусулмон пролетариати ўртасида олиб борилаётган партиявий ишлар масаласини ҳамда қозирги аҳвол, нашрёт ишлари, партиявий марказлар билан ўзаро алоқалар тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқди ҳамда Туркистон Компартияси Марказий Комитетини сайлади.

21 ИЮНЬ. Туркистон Республикаси Миллий ишлар халқ комиссариатининг органи — «Иштирокиюн» («Коммунист») газетасининг биринчи сони чиқди. Шу куни Жиззахда РКП(б)нинг умумшаҳар ташкилоти тузилди.

12 ИЮЛЬ. Қўқоннинг Эски шаҳар қисмида маҳаллий миллат ваниларини бирлаштирган партия ташкилоти тузилиб, унга 300 киши жалб этилди.

Тошкентда аэровокзалнинг янги биноси қуриб битказилди. Суратларда сиз ана шу аэровокзалнинг умумий кўриниши (чапда) ва унинг вестибюлини (ўнгда) кўриб турибсиз.

Н. Глауберзон фотолари.





ТУЙҲАТ ЎРНИДА

КИМЁГАР ОЛИМ

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети аналитик кимё кафедрасининг мудири, кимё фанлари доктори, профессор Шукур Толипович Толипов 60 ёшга тўлди.

Ш. Толипов йирик совет кимёгар олимларидан биридир. Ўзбекистон ва Ўрта Осиёда аналитик кимё фанининг ривожланиши унинг номи билан узвий боғланган. Ш. Толипов раҳбарлигида Ўзбекистонда аналитик кимёгарлар мактаби яратилди, бу мактаб захматкашлари кимёвий анализ назарияси ва практикаси устида иш олиб бормоқдалар. Ҳурматли олимнинг илмий ишлари фақат Совет Иттифоқидагина эмас, чет элларда ҳам маълум.

Ш. Толипов ўз илмий фаолиятининг дастлабки даврида (1938—1950 йиллар) фтор кимёси соҳасида илмий тадқиқот ишлари олиб борди. 50-йилларда эса табиий бирикмаларни аналитик кимёга тадбиқ қилиш устида ишлади. Табиий бирикмаларнинг рангли комплекслари чўкув ўрганиб чиқилди. Мана шу илмий ишлар асосида жуда кўп иодир элементларни аниқлашнинг фотометрик ва комплексонометрик методлари яратилди. Бу методлар ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот лабораторияларида кенг қўллана бошлади. Олимнинг жуда кўп илмий ишлари ва мақолалари ана шу илмий тадқиқот ишлари натижаларига бағишланган. Ҳозирги кунда профессор Ш. Толипов соф ҳолдаги табиий бирикмалар ва бошқа моддалар билан қўшилган бирикмаларни аниқлаш устида қизғин иш олиб бормоқда.

Шукур Толиповичнинг яна бир улкан иши — мутахассис кадрлар етиштиришга астойдил жон куйдирганлигидадир. 1944 йилдан ҳозирги кунга қадар у Тошкент Давлат университети кимё факультетининг декани бўлиб ишлаб келмоқда, айни пайтда университетнинг химия фани бўйича илмий даражалар бериш Советининг раиси вазифасини ўтамоқда. Ш. Толипов раҳбарлигида 2 докторлик ва 40 дан ортиқ кандидатлик диссертацияси ёқланди.

1958—1959 ўқув йилида Шукур Толипович Ханой политехника институтида дарс бериш учун Вьетнам Демократик Республикасига ишга юборилди. Олимнинг у ердаги самарали меҳнатини Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати ҳамда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги мукофотлади. ВДР ҳукумати Шукур Толиповични «Дўстлик» ордени медали билан мукофотлади.

Кўп йиллик самарали илмий-педагогик фаолияти учун Ш. Толипов «Ҳурмат Белгиси» ордени ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг 6 та Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. 1961 йилда унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби унвони берилди. 1967 йилда эса Шукур Толипович Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг академиклигига сайланди.

Атоқли олим, жонкуяр педагог Ш. Толиповга узоқ умр, ижодий ишларида равнақ, саҳат-саломатлик тилаймиз.

ФАННИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Кўҳна Шарқ мутафаккирларидан бири ишга солинмаган, амалий ҳаётга боғланмаган илм-фанни беиз сўнган машъалга қиёс қилиб, илмнинг қиймати амалдаги самараси билан, деб хитоб қилган эди. Бу асрлар бўйи олимлар дунёсининг орзуси бўлиб келди.

Фаннинг амалиёт билан ҳамкорлиги, ишлаб чиқариш билан алоқаси ҳеч қачон бизнинг давримиздагидек уйғунлашган, равнақ топган эмас. Зероки, ҳаётимиз йўлланмаси — КПСС Программасида рақам қилинганидек, фанни ривожлантириш ва унинг ютуқларини халқ хўжалигига татбиқ этиш тўғрисида партия ҳамиша алоҳида ғамхўрлик кўрсатади. Бундан баҳра олиб катта имкониятларга эга бўлган Тошкент Давлат университети олимлари ўз илмий фаолиятларини активлаштирмоқдалар. Фан билан ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлигини тобора мустаҳкамлаш учун, янгиликни, илмий ихтироларни халқ хўжалигига тезроқ татбиқ этиш учун қизғин курашмоқдалар.

Ҳозирги пайтда университетда 13 факультет, 93 кафедра, 11 проблема лабораторияси ишлаб турибди. ТошДУ олимлари ва ўқитувчилари илм-тарбия савиясини ошириш, чуқур билимли, юксак малакали кадрлар тайёрлашни кун сайин яхшилаш билан бир қаторда қаёт ўртага қўйган муҳим масалалар, халқ хўжалигининг тараққиёти учун зарур бўлган проблемалар устида катта илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Эҳтимоллик ва математик статистика назарияси, физика электроникаси, табиий ва синтетик биология, актив моддалар химияси, экономикацинг минерал-хом ашё базасини кенгайтириш каби проблемалар шулар жумласидандир. Янги агротехника ва биологик услубларни қўлланиш билан қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалар ва касалликдан ҳимоя қилишнинг комплекс чоралари, пиллачиликнинг илмий асосланган методларини ишлаб чиқиш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш каби масалалар ҳам олимларимиз диққат-эътиборида. Шу нарсани айтиш кифояки, университет коллективининг 17 та илмий тадқиқот иши республика халқ хўжалигининг 1966—1970 йиллги планига киритилган.

Биз фанда янги йўналиш очган, ўз мактабини яратган олимлар билан фахрланамиз. Профессор С. Х. Сирожиддинов раҳбарлигидаги эҳтимоллик ва математик статистика назарияси мактаби айниқса самарали ишламоқда. Эндиликда унинг шуҳрати иттифоқдан ташқарида, чет элларда ҳам маълум ва машҳурдир. Бу ерда статистика контроли оқилона, иқтисодий самарали планларни танлаш методлари ишлаб чиқилиб, назария жиҳатдан ҳам, амалиёт жиҳатдан ҳам қоят муҳим натижалар қўлга киритилди. Шу боисдан ҳам ўтган йили Тошкентда математик контроль методлари юзасидан ўтказилган Бутуниттифоқ коллоквиуми мазкур масалалар юзасидан Бутуниттифоқ конференциясини бизнинг шаҳримизда ўтказишга қарор қилгани бежиз эмас.

Сўнгги пайтларда университет олимлари ҳисоблаш математикаси масалаларини чуқур ўргана бошладилар. Ҳозирги мавжуд ҳисоблаш маркази фақат кафедра ва лабораториялларнинг ишинигина эмас, балки ишлаб чиқариш корхоналари коллективларининг ҳам топшириқларини бажариб бермоқда.

Радиобиология фанда янги йўналиш бўлиб қолди. Биология тупроқшунослик факультетининг олимлари қишлоқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлган масалалар юзасидан тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Улар ипак қуртининг янги турини яратдилар. Мазкур илмий кашфиёт натижаларини амалга татбиқ этиш йилига юз минглаб сўмлик қўшимча ипак маҳсулоти олиш имконини беради. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ихтиро ишлари комитети олимларимиз яратган янгиликни кўриб чиқиб, ТошДУнинг бир группа тадқиқотчиларига муаллифлик гувоҳномасини топширди.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш юзасидан уюштирилган экспедиция ҳам яхши натижа берди. Тошкент областининг канопкор хўжаликларида 20 процент каноп экини касаллик билан зарарланганлиги аниқланди. Бу эса хўжаликларга ҳар йили тахминан олти миллион сўм зарар етказади. Олимлар зараркунандаларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқдилар. Бу борада профессор А. Т. Тўлаганов зўр ғайрат ва ташаббус билан ишламоқда. Профессор И. И. Гранитов раҳбарлигида эса чорва учун мустаҳкам озуқа базаси яратиш юзасидан илмий ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, илмий якунларни тадқиқот натижаларини алмаштириш соҳасида ҳам айрим ишлар қилинмоқда. Масалан, ўтган йили фақат «фан» нашриёти 7 монография, 21 илмий тўплам чоп этди. Буларнинг умумий ҳажми 280 босма листдан ортиқроқдир.

Илмий-тадқиқотлар берган янгиликларни амалга ошириш планларини бажаришни қандай тезлаштирмоқ мумкин? Аввало, бизнингча, илмий коллективларнинг ишини баҳолашдаги тартибни такомиллаштириш даркор. Чунки, у ёки бу тема юзасидан мақола, ё китоб чиққан бўлса мазкур тадқиқот бажарилган ҳисобланади. Одатда, бундай ҳолда институтларнинг ҳисоботида «Тугалланган тадқиқотни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг муҳим формаси—бу уннинг босиб чиқарилганлигидир», деб ёзиб қўйилади. Сўнг ўша автор нечта тўплам чиқаргани, қанча мақола ёзганлиги рақам қилинади ва ҳоказо... Ваҳолонки, бундай илмий ишларнинг аксарияти кутубхоналарда чанг босиб ётади. Унинг на ўқувчига, на ишлаб чиқаришга фойдаси тегади. Шунинг учун ҳам тема бўйича қилинган ҳисоботларни эмас, балки корхоналарда ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, янги қазилма бойликларни топиш ва ундан фойдаланишни ишлаб чиқишни—тадқиқотнинг ҳақиқий якуни деб ҳисоблаш зарур.

Иккинчидан, хўжалик шартномалари асосида иш олиб бориш тажрибаси шуни кўрсатадики, илмий ва ишлаб чиқариш коллективларининг моддий манфаатдорлигини ошириш мазкур масалани ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Институтларнинг маош фондидан бир қисмини олимларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга ажратиш мақбул бўлмасмикан. Бу маблағ фанга қўшилган янги ихтиро эвазига тезда қопланишига аминмиз.

Ниҳоят, институтлар ўтказаётган тадқиқотларга кўпроқ амалий тажрибаси бўлган ишларни жалб этиш лозим. Бу борада бизда баъзи ишлар олиб борилмоқда, фаннинг ишлаб чиқариш билан уйғунлашувининг янги формалари қидирилмоқда. Кейинги йилларда хўжалик шартнома ишларининг миқёси анча ошди. Саноат ва қишлоқ хўжалик мутахассислари учун консультация пунктлари очдик.

Яқинда СССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрлиги қарори билан ТошДУ мамлакатимиздаги 25 етакчи олий ўқув юртлари ҳисобига киритилди. Бу ижодий коллектив зиммасига катта масъулият юклайди.

Беш йилликнинг учинчи йилида университет олимлари илмий тадқиқотларни янада кенгайтириш юзасидан янги марраларни белгиладилар. Ҳеч шубҳа йўқки, булар халқ хўжалиги планларининг муваффақиятли бажарилишига, университетда илмий тадқиқот ишларини янада кенгайтиришга ҳисмат этади.

М. МИРСАИДОВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети фан ва кадрлар тайёрлаш бўлимининг мудири, иқтисод фанлари кандидати.

ВЛКСМНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҲАҚ ЙЎЛДА

Катта Араб қишлоғининг четидаги ёлғизоёқ йўлдан Кўкбулоқ томонга юрсангиз, яси тепаликнинг ёнбағридаги янгқа бир мозорга кўзингиз тушади. Ёдгорлик тахтачада шундай ёзувлар бор:

«Маърифат қурбони Ҳакимжон Исмоилов. 1912—1931 йиллар...».

Ким бўлди у?

Катта Араб қишлоғида яшовчилар Ҳакимжонни яхши билишади. У билан бирга ишлаганлар, ёш совет ҳокиматини мустаҳкамлаш учун бирга курашганлардан кўплари ҳаёт.

...1930 йилнинг қовун пишиғи. Махсус поезд Самарқанд вокзалидан Душанбага қараб йўлга чиқди. Состав одамлар билан тўла. Ҳакимжоннинг кўшгли тоғдек кўтарилган. Қўлида махсус йўлланма, диплом ҳам ёнида. У узоқ сафарга отланган.

Ҳакимжон Ғузорга борганида унга ёт унсурлардан огоҳ бўлишни тайинлашди. Райондан эрталаб чиққан шерюрак комсомол энг узоқ участкалардан бири — тоғ ёнбағрида жойлашган Катта Араб қишлоғига айни пешин чоғи етиб келди. Қишлоқ Шўроси идорасида ҳеч ким йўқ эди. Шўро раиси ва активлар қўшни қишлоққа колхоз тузишга кетишган эди. Меҳмонни Катта Араб қишлоқ Шўросининг раиси Олло Аҳмедовнинг уйига элтиб қўйишди...

Ҳакимжон қишлоқ деҳқонлари билан тезда ота-бола бўлиб кетди. Уларга янги турмуш, келажак режаларини ҳар қадамда тушунтирди. Активлар билан колхозлар тузишда фаол иштирок этди. Маҳаллий халқнинг хат-саводини чиқариш учун жамоатчилик асосида Катта Араб қишлоғида бошланғич мактаб ташкил этди. Ҳакимжон ҳамкасблари билан бирга кундузи деҳқон болаларини ўқитар, кечқурунлари меҳнаткашлар билан суҳбатлар ўтказарди.

Орадан олти ой ўтди. У билимга ташна ўнлаб болаларнинг кўзини очди, катталарнинг саводини чиқарди. Қишлоқ аҳли газета ва китоб ўқишни ўрганди. Маърифатчи Ҳакимжон эса ўз ишидан мамнун бўлиб, Тошкентга уйдагиларга ҳамда ўзи ўқиган Самарқанддаги педагогика билим юртига хат-хабарлар ёзиб турарди. Мана, қўлимизда Ҳакимжоннинг 1931 йил май ойида Тошкент яқинидаги Ўзгариш қишлоғида истиқомат қилувчи онаси — Шокира холага ёзган хатидан парча:

«...Мен синглим Ҳамида ёзган хатни ўқиб қувондим. Жуда яхши ёзган. Лекин шу вақтгача жавоб қайтара олмадим. **Чунки мен саккиз кун қишлоқнинг бугдойзорларини ўлчаб, қўлим бўшамади...».**

Ҳакимжон бўш вақтларида Катта Арабдаги Ленин номли колхознинг хўжалик ишларида ҳам бевосита қатнашар, колхоз правленниесининг мажлисларида тадбирли маслаҳатчи, қишлоқ Совети ходимлари йиғилишларида секретарлик ишларини ҳам бажарарди.

1931 йил. Гул-лола фасли. Бу ерда коллектив хўжалик тузилганига бир йил бўлган. Ер мулкдор бойлардан тортиб олинган. Ғалла майсалари гуркираб ўсмоқда... Кечқурун қишлоқ Шўроси идорасида мажлис борлигидан Ҳакимжонни ҳам хабардор қилишди. Мажлисда атроф колхозлардан Ҳақберди Бердиев, Узоқ Бўтаев, Тўра Сатторов, Мойли Поёнов ва Омон Раҳмонов сингари вакиллар ҳамда юқори партия ташкилотидан ўрток Азимжонов иштирок этди.

Йиғилишдан мақсад, — ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик кўриш.

Қишлоқ Совети мажлисида бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Улар халқнинг саводхонлигини ошириш учун мактабга бино танлаш, хотин-қизларни ишга жалб этиш ва бошқа тадбирлар эди. Мажлис хийла чўзилди. Кўкбулоқ тоғларида дайдиб юрган Турсунпўлат қўрбоши бошлиқ бир гуруҳ босмачилар Катта Арабга киришганида штабда мажлис кетаётганлигидан хабардор бўлиб қолишади. Оч бўридек соймасой юриб, мажлис бораётган бинога яқинлаб келишади. Улар колхоз активларидан ўч олмоқчи бўлишади.

От туёқларининг дупури хонадагиларнинг тинчини бузади. «Чироқ ўчирилсин, — деди мажлис раиси. Ҳушёр бўлинглар. Турсунпўлат шекилли...».

— Олло Аҳмад, чиқ яхшиликча далага! — хириллайди босмачилардан бири дераза ортидан.

Бир зум ўтгач, устма-уст икки марта ўқ узилади. Хонадагилар ҳам тўппончадан жавоб ўқи узишади. Отишма бошланади. Қузғунларнинг бирига қўрғошин тегди шекилли, отдан ерга думалади. Отишма бир оз сусайди. Мажлис аҳли уйдан чиқишга қарор қилди. Активлар хонадан чиқишган ҳам эдики, пайт пойлаб турган қароқчилар тўсатдан ўқ узишди. Тун қоронғусида босмачи отган ўқ маърифатчи Ҳакимжонга тегди. Бу мудҳиш воқеа 1931 йилнинг 28 май кечаси рўй берди...

Ҳакимжон ишлаган Катта Арабдаги бошланғич мактаб базасида ҳозир 900 га яқин бола таълим олаётган ўрта мактаб бор. Мактаб ўқувчиларининг ҳамда қишлоқ меҳнаткашларининг илтимосига кўра Свердлов номли ўрта мактаб район ижроия комитетининг қарори билан Ҳакимжон Исмоилов номига қўйилди.

Халқ йўлида, ҳақ йўлида қурбон бўлганлар тилда ҳам, дилда ҳам мангу барҳаётдир.

А. РАҲИМОВ,
Қамаши район босмахонасининг директори.

ИШ ВАҚТИ—МАЖЛИС УЧУН ЭМАС

ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИНИНГ ҚАРОРИ

МОСКВА, 7 июнь. (ТАСС мухбири). ВЦСПС Президиуми бугун «Меҳнатнашлар иш вақтида жамоат вазифаларини бажаришга ва турли тадбирларда қатнашишга чалғитилаётганлиги ҳақида»ги масалани кўриб чиқди.

ВЦСПС, дейилади қабул қилинган қарорда, иш вақтида йиғилишлар, кенгашлар, семинарлар, слётлар, спорт мусобақалари, бадиий ҳаваскорлик кўриклари ва бошқа тадбирлар ўтказишга йўл қўйиш мумкин эмаслигига касаба союз советлари ва комитетларининг эътиборини бир неча бор қаратди.

Ҳафтада икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтаси шароитларида мазкур тадбирларни иш вақтидан ташқари пайтларда ўтказиш учун катта имкониятлар бор. Аммо шунга қарамай, кўпгина касаба союз советлари ва комитетлари ҳамон кўпдан-кўп меҳнатнашларни мана шундай машғулотларга чалғитишни давом эттирмоқда. Бунинг натижасида иш вақти нобуд бўлиб, ишлаб чиқаришга зарар етказмоқда.

ВЦСПС Президиуми касаба союз советлари ва комитетларига иш вақтида спорт мусобақалари, бадиий ҳаваскорлик кўриклари, семинарлар, слётлар, кенгашлар ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказилишига йўл қўймаслик вазифасини топширди.

ҚУРИЛИШЛАРГА КЎПРОҚ МАТЕРИАЛЛАР ЕТКАЗИБ БЕРАЙЛИК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИ ҚУРИЛИШ ВА БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИДА

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати комиссиясининг 7 июнда Кремлда бўлиб ўтган мажлисида қозирги вақтда тобора талаб кўпаяётган қурилиш материалларн ишлаб чиқариш саноати қандай ривожланиб бораётганлиги масаласи муҳокама қилинди

Доклад қилган СССР Бинокорлиқ материаллари саноати министри И. А. Гришманов беш йилликнинг икки йили мобайнида мамлакатимизда цемент ишлаб чиқариш 12 миллион тонна, шифер ишлаб чиқариш қариб 700 миллион дона, деворбоп материаллар ишлаб чиқариш 4200 миллион шартли ғишт донаси, дераза ойнаси ишлаб чиқариш 14.6 миллион квадрат метр кўпайганлигини хабар қилди.

Министр ҳал қилинмаган вазифаларга асосий эътиборни қаратди.

Комиссия аъзолари бўлган бир группе депутатлар Украина, Қозоғистон, Грузия, Ўзбекистон, Красноярск ўлкаси, Нахичеван АССР заводларининг ишлаш ва янги қурилишларда ишларнинг боришн билан танишдилар. Улар СССР Госплани, СССР Госстройи, СССР Марказий статистика бошқармаси, СССР Қурилиш банки, СССР Госснаби ва бир қанча идоралардан олинган материалларни ўрганиб чиқдилар.

Комиссия қабул қилган қарорда СССР бинокорлик материаллари саноати министрлиги, иттифоқдош республикалар қурилиш министрликлари ва министрлар советлари олдига бинокорлик материаллари индустрияси қувватини ўстириш билан боғлиқ жиддий масалалар қўйилганлиги таъкидланади Комиссия бир қанча тавсиялар қабул қилди

Мажлисда доимий комиссиялар 1968 йил плани ва бюджетини кўриб чиқаётганда айтган тавсиялар бўйича СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикалар министрлар советлари қабул қилган чоралар тўғрисида депутат Г. А. Арзуманян ахбороти тинглади.

Комиссия ишида СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. С. Даоцинидзе СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Ю. И. Палецкис, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР министрлари, идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

ТАБИАТ БОЙЛИГИНИ ЯХШИ АСРАЙЛИК

Диёримизнинг табиий бойликларини авайлаб асраш, унга яхши муносабатда бўлиш социалистик давлатимизнинг ҳамиша диққат марказида бўлиб келди. Совет ҳокиматининг дастлабки кунларидаёқ, В. И. Ленин ўрмонларимиз, ерости қазилма бойликлари, ўсимлик, тоза ҳаво ва сув манбаларини яхши сақлаш, улардан тўғри фойдаланиш ва исроф қилмаслик тўғрисидаги қатор декретларга қўл қўйган эди. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги кунида, бу буюк санага бағишланган КПСС Марказий Комитети ва СССР ҳамда РСФСР Олий Советларининг қўшма тантанали мажлисида: «Ер, ўрмон, дарёлар ва тоза ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида ғамхўрлик — коммунизм қуриш ишимизнинг асосидир» дейилгани бежиз эмас.

Ўзбекистон табиатини асраш Жамияти республика советининг 5 июнда Тошкентда чақирилган учинчи пленумида Ленининг табиатни асраш ҳақидаги ғоялари ҳаётга қандай татбиқ этилаётганлиги муҳокама қилинди. Пленумда «1967 йилги ишлар якуни ва 1968—1970 йилларга мўлжалланган перспектив план тўғрисида» жамият раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари ўртоқ А. С. Абдалиннинг доклади тингланди.

Маърузачи ва музокараларда қатнашган ўртоқлар табиат бойликларини асраш соҳасида республикамизда катта ишлар қилинаётганини бир оғиздан таъкидладилар. Бу ишга, айниқса Ўзбекистон табиатини асраш жамиятига бирлашган кўпминг сонли жамоатчилар, табиат шайдолари катта ҳисса қўшдилар. Республиканинг барча областларида бу жамиятнинг бўлимлари ишлаб турибди.

Ҳозирги кунда жамиятнинг 900 аъзоси бор. Бу катта кучдир. Агар уларнинг ҳар бири табиат бойлигини йўқотувчи битта жиноятчини вақтида тўхтатиб қолса, миллионлаб парранда ва баликларни йўқолиб кетишдан асраган бўлади. Агар жамият аъзоларининг ҳар бири бир тупдан ниҳол ўтказса — ўрмон ҳосил бўлади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бултур ва бу йил баҳорда жамият активларининг фаол ёрдамида Ўзбекистонда 137 миллион туп турли хил дарахт кўчатлари ўтказилди. Саноат корхоналари, даволаниш муассасалари ва мактаблар атрофига юз минглаб гуллар ва мензарадор кўчатлар ўтказилади.

Баҳорги ҳамда кузги боғ ва ўрмон ойликлари даврида Андижон, Бухоро, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё областлари табиатни асраш Жамиятининг маҳаллий ташкилотларида корхоналар, муассаса, мактаб ва касалхоналар атрофини энг яхши кўкаламзорлаштириш учун конкурс ўтказилди.

Наманган шаҳрининг жамоатчилиги шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасида жуда катта иш қилди. Бу ерда ўтган йил баҳорининг ўзидаёқ шаҳар кўчалари ва майдонларига миллионга яқин манзарали ниҳол ва 200 минг гул кўчати ўтказилди. Қўкаламзорлаштирилган барча майдонлар корхона, мактаб ва муассасаларга бириктирилиб, уларни асраш ва тарбиялаш таъминланди. Бу йил баҳорда эса Наманган кўчаларининг яшил либосга бурканиши яна ҳам кенгайди,

Табиатни асраш жамияти Самарқанд шаҳар бўлими «Красний двигатель» заводи ва «Ҳужум» шойи тўқиш фабрикасида ишни жуда яхши ташкил этди. Бу корхоналарнинг коллективлари ўз майдонларини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборишди.

Пленумда республикамиз табиий бойлигини асраш учун курашга кенг оммани жалб этишда жамият тармоқ секцияларининг ижобий роли алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, пленумда сўзга чиққан ўртоқлар Ўзбекистоннинг ҳамма ерида ҳам табиат бойлигини асраш кўнгилдагидек эмаслигини ўқтириб ўтдилар. Дарёлар, сув ҳавзалари ва ҳавонинг тозалигини асраш учун чинакамига кураш олиб борилияпти деб бўлмайди. Музокараларда Чирчиқ, Ангрен, Тошкент ва бошқа шаҳарларда саноат корхоналари тоза ҳаво ва сув ҳавзаларини чиқиндилар билан булғашаётгани ҳақида далиллар келтирилди. Бу корхоналарнинг раҳбарлари тозалаш иншоотлари қуриш ҳақида ғамхўрлик қилмаётирлар. Жамият аъзолари ва активлари эса бунга бепарво қараб келишяпти, унга қарши кураш олиб боришмаяпти. Баъзи жойларда, жумладан, Сирдарё области ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасида табиат бойликларига, балиқ ва парранда запасларига қирон келтирувчиларга қарши кескин кураш олиб борилмаяпти.

Пленум қатнашчилари аҳоли орасида табиатни асраш ғояларини пропаганда қилиш қониқарсиз ҳолда эканини алоҳида қайғуриш билан таъкидлаб ўтдилар. Жойларда табиат ҳақидаги кинофильмлар жуда оз намойиш этилмоқда. Лекциялар кам ўқилмоқда. Бўлган тақдирда ҳам жуда зерикарли ўтяпти. Шунинг учун ҳам тингловчилар сони камайиб боряпти. Бу борада-жамиятнинг республика Совети президиумининг ҳам айби бор. Чунки қизиқарли, мазмундор лекциялар текстини тайёрлаб жойларга юборишдек деярли унутиб қўйилган. Лекин бу, жойлардаги бўлимлар раҳбарлари, аппарат ходимларининг айбини енгиллаштиради деган гап эмас. Улар табиат ҳақидаги билим ва ғояларнинг борини пропаганда қилишни ҳам тўла амалга оширмаяптилар. Бу нарса биринчи навбатда жамиятнинг Хоразм область бўлимига таалуқлидир. Бўлим шу мақсадлар учун ажратилган маблағнинг атиги 10 процентидангина фойдаланган. Тошкент, Самарқанд ва Сирдарё область бўлимларида эса бу маблағдан 15—17 процентигина ишлатилган, холос.

Ўзбекистон табиатини асраш жамияти республика Советининг пленуми муҳокама қилинган масала бўйича қарор қабул қилди. Бу қарорда жамиятнинг келгусидаги перспектив вазифалари белгилаб берилди ва жамиятнинг барча аъзолари ҳамда активистлари Ўзбекистоннинг табиий бойликларини асраш учун курашни янада кучайтиришга чақирилди.

М. КУРМАЕВ.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

МИЯ АНАЛИЗАТОРИ

Ленинградлик олим Геннадий Сергеев киши мияси фаолиятини турли даврларда текшира олувчи анализатор яратди. Кўп йиллик текширишлардан сўнг олим киши чап мияси билан ўнг мияси орасида ассиметрия ҳодисаси мавжудлигини аниқлади. Кўпчилик кишиларнинг чап мияси ўнг миясига нисбатан интенсив ишлаши маълум бўлди. Г. Сергеев киши миялари ўртасидаги ассиметрия ҳанчалик кўп бўлса, бутун мия фаолиятининг фойдали иш коэффициенти шунчалик юқори бўлишлигини тажрибалар ёрдамида исбот қилди. Олим 2 кунлик болалар миясида ҳам ассиметрия ҳодисаси мавжудлиги, лекин улар фаолияти орасида деярли фарқ йўқлигини кўрсатди. Олим кузатишларини давом эттирмоқда.

ЮЛДУЗЛАР МОДЕЛИ

Латвиялик олимлар юлдузларнинг ички тузилишини математик усулда моделлаштирдилар. Улар тузган юзга яқин программа бўйича ҳисоблаш машиналари Галактиканамизда жойлашган юлдузларнинг тузилишини аниқлади.

Оптик кузатишлар натижасида олинган маълумотларни математик ҳисоблаш билан солиштириб, ўз массаси бўйича қуёшдан бир неча баравар катта бўлган юлдузларнинг кимёвий состави, босими ва ҳароратини ўлчашга имкон туғилди. Латвиялик олимлар сўнгги ривожланиш стадиясига ўтган юлдузларни текширишга киришдилар.

Наманган области. Бу ерда галла ўрим-йиғими уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. ЎзТАГ фотожухбири Е. Корниенко Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг некса механизаторларидан Раҳмонберди Эгамбердиев-нинг агрегатини иш пайтида суратга олган. Некса деҳқон бу йил ўнлаб гектар майдондаги донни ўриб-янчишга аҳд қилган.

Саида ЗУННУНОВА — меҳмонимиз

ҚЎШНИЛАРИМ

Санда Зуннунова ўзининг ажойиб лирик шеърлари билан китобхонларнинг ҳурмат ва эътиборини қозонган талантли шоирадир. Унинг инсон, онажурт, табиатни мадҳ этувчи жўшқин ва терап шеърларидан ташкил топган қатор поэтик тўпламлари ўқувчиларни мамнун этиб келмоқда. Адиба қатор ҳикоя ва қиссалар автори ҳамдир.

Қуйида Санда Зуннунованинг янги поэмасидан парча ўқийсиз.

ШУ НОМЛИ ДОСТОНДАН

Кимдир нон ёпади, ширин ҳид сузар,
Яна болалиқка югурар ўйим.
Гўё шу дам онам кулчалар узар,
Дўппимни тутаман қўлларим куйиб.
Яна қизлар кирар югуриб, елиб,
Қалдиргочдек қўниб ариқ четига
Кулчани бўктириб тўймас эдик еб,
Оқизоқлар қилиб сувнинг бетида.
Сувларки, оқарди тўлиб, ҳайқириб,
Кўзгудек беғубор тиниқ, яраклар.
Қани унга биров нўрсин туфуриб,
Шунчалик муқаддас эди ариқлар.
Ҳовучлаб ичганда юрак яшнарди,
Томоқ оғриғини билмасдик, ажаб.
Совуқ сув ичма, деб онам уришса,
Қўшнига чиқардим чопқиллаб, қочиб.
Урик шохларини қилиб гоҳ ларзон,
Липпага тўлдириб довуччаларни,
Тиллар қамашгунча ер эдик баъзан.
Данагин гоҳ чақиб, гоҳ кўчаларга
Иргитиб, кийиндек сакрардик тинмай.
Ғаму — андуҳ нима, ўйламай, билмай,
Офтобда қорайиб, сувда чўмилиб,
Гоҳ уйлар ясардик қумга кўмилиб.
Ялангоёқ лопта ўйнаганимиз,
Кўчаларга сиғмай қайнаганимиз,
Келинчакни кўрсак кўзимиз ўтиб
Шивир-шивирлашиб сўзлаганимиз,
Мунча тез ўтибди у маъсум кунлар,
Гуласи узилган парпирак мисол —
Қайга ғойиб бўлди қани у тунлар,
Бир эртак айтишсак, бир сурсак хаёл.

II.

Ана келишмоқда қизлар бир тўда,
Дугонамга ўхшаб қорақош бири.
Қўлларда китоби, серфикр жуда,
Балки, сўзлашарлар оламнинг сирин.
Дарвозалар бирин-кетин очилиб
Сийраклашиб қизлар, кўча жимиди.
Бири қиё боқиб кулди-ю қочди,
Е мени таниди, билмам ким эди.
Қизгина, шошмай тур, шошмай тур жоним,
Шу ҳовлида бордир шўхлигим, кулким.
Узилиб кетганда шода маржоним,
Тизиб берган жувон бувингдир балки.
Бизлар нашта тиккан ўша лой супа,
Намозшом гуллари ҳали борминан.
Шолчада чувалиб турли ранг ипак,
Қизгина, сенга ҳам интизормикан.
Кашта тикар эдик бунда йиғилиб,
Ранго-ранг ипакдан яшнаб дилимиз.
Сувда оқиб келган тутни сузиб еб,
Ширадан ёрилай дерди тилимиз.
Ҳовуч — ҳовуч сувни ичардик яна,
Ҳовлию-супага сепсак ним татир.
Шабада эсарди бирам хуш, майин.
Атрофга таратиб гуллар атрини.
Жамбилу — райҳонлар яшнаб кетарди,
Худди ўзимизга ўхшаб кетарди.
Ҳовузга узилиб гўшганда олма,
Атрофга ёмғирин тўшаб кетарди.
Қийқириб кулардик талашиб гоҳи,
Ёқут тарамидан кўзимиз яшнаб.
Ажиб бир ҳислардан ёниб нигоҳи
Сузилиб гоҳ онанг бошларди қўшиқ.
Унинг куйларига беркинган согинч,
Қизгина, сеимидинг, ўшанда балки.
Шошмай тур жонгинам, эшигингни оч,
Ҳовлингда бор менинг ёшлигим, кулким.
Мунча тез ўтибди у маъсум кунлар,
Гуласи узилган парпирак мисол —
Қайга ғойиб бўлди, қани у тунлар
Бир эртак айтишсак, бир сурсак хаёл.

МЕҲР ИСТАБ...

Мен на давлату, на бахтдан камчил,
На пулу, мансабнинг, қули ошнаси.
Менга чин дилингни, дилингни очгил,
Мен ёлғондан ҳали сўзнинг ташнаси.

Шундай сўз айтгинки, қанот боғлайин,
Танамдан арисин дард билан армон.
Шунда сени ўзим бир ардоқлайин,
Фақат сен гапирма, гапирма ёлғон.

Дилим меҳр тўла тиниқ бир чашма,
Ҳали очилмаган минг бир кўзи бор.
Сен шундай бир сўзни айтгил, адашма,
Уни очадиган, ахир, сўзи бор.

Ипак ҳам бўламан, бўламан бўстон,
Ҳўзурбахш шабода, тинсиз бир гул.
Яхши-ёмон кунда ягона дўстинг,
Ҳулласи сен бўлиб қоламан бутнуз.

Мен на давлату, на бахтдан камчил,
Табиат ранжитган на бирон ҳаста.
Менга чин дилингни, дилингни очгил,
Қошингга келдим мен ишқ, меҳр истаб.

ҚЎРҒОНТЕПА ЯНГИЛИКЛАРИ

ҲУРМАТ РАМЗИ

Совет давлатининг атоқли арбоби М. И. Калинин Ойим қишлоғига келган эди. У бу ердаги хўжаликларнинг аҳволи, кишиларнинг турмуши билан яқиндан таннишган, колхозларнинг иқтисодий томондан қудратини ошириш, қишлоқ аҳлининг маданий-маиший турмушини яхшилаш учун қимматли маслаҳатлар берган ва бу ишларнинг амалга оширилиши юзасидан кейин ёзма равишда ахборот беришларини сўраган эди.

Шундан буён 30 йил ўтди. Аммо ҳалигача донишманд ва ғамхўр оқсоқолнинг қишлоққа қадам ранжида қилганини кўпчилик эслаб юради. Қишлоқ аҳли Михаил Иванович Калининнинг хотирасини абадийлаштиришга қарор қилишди. «Ойим» совхози марказ Дардоқ қишлоғида М. И. Калининнинг бюсти ўрнатилди.

ЗАВОДНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

Хонобод қишлоғидаги таран-экстракт заводи саноатимизга қимматли хом ашё—таннид порошоги етказиб берувчи ягона корхона. Яқинда заводда янги цех ишга туширилди. Цехда ўқувчилар учун чиройли, арзон портфель ишлаб чиқарила бошланди.

ҲАВАСКОРЛАР КУРИГИ

Ленин комсомолининг 50 йиллигига бағишланган фестиваль бўлиб ўтди. Унда районнинг деярли ҳамма хўжаликлари, корхона, муассаса, мактабларининг санъат шинавандалари қатнашди ва ўзларининг маҳоратларини намойиш этишди.

Фестиваль жюриси «Савай» совхозининг «Қирқ қиз» ашула ва рақс ансамблига биринчи, Андижон сув омбори қурувчиларининг ҳаваскорларига иккинчи ўринни беришнини лозим топди.

Н. АБДУКАРИМОВ.

Ўзбекистон Рассомлар союзининг пленуми

Республика мўйқалам соҳиблари ва нақкошлари IX съездида сайланган Ўзбекистон Рассомлар союзининг правлениеси янги составининг пленуми бўлди.

Пленум правление президиумини, унинг раислари ва раис ўринбосарларини сайлади. Ўзбекистон ССР халқ рассоми Р. Аҳмедов Рассомлар союзи правлениеси президиумининг раиси, Г. Чиганов, Т. Аҳмедов, А. Умаровлар раис ўринбосарлари қилиб сайландилар. (ЎзТАГ).

ДАЛА ДОНИШМАНДЛАРИ

ОЧЕРК

Биринчи ҳикоя

Сарлавҳани «Серташвиш раислар» деб қўйсак ҳам бўларди. Чунки қаҳрамонларимиз ҳам эрта тонгдан ишга шўнғиб кетганича ярим кечага бориб гинчийдиган, ҳар куни янги бир ташвиш билан уйғонадиган кишилар.

Муҳтарам Абдулла ака Раҳмонов олтмиш олтига борган бўлса, шундан қарийб ярим умри раисликда ўтяпти. У колхозни елкасида кўтариб, опичлаб катта қилган бободеҳқон. Ўтиз бир йил муқаддам у юз гектарга етиб-етмай пахта экадиган «Қизил қўшчи» колхозига раис қилиб сайланган эди. Энди Фарғонада бундан катта колхоз йўқ, тўрт минг гектар ерда деҳқончилик қилишади. Охунбобоев районидаги Фрунзе номли бу колхоз деҳқонлари ҳар йили давлатга қарийб 9 минг тонна ғуруғлик пахта, юз тоннадан ошириб пилла берадилар. Ҳукуматимиз уларнинг хизматини юксак тақдирлаган. Юзга яқин бободеҳқон орден ва медаллар билан мукофотланган. Областдаги ҳеч бир колхозда шунчалик эмас. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларининг ўзи олти киши. 23 киши Ленин орденига мушарраф бўлган. Абдулла аканинг ўзи уч марта Ленин ордени ,уч марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. Колхоз эса пахтачилик ва жамоат чорвачилигини ривожлантиришдаги эришилган ютуқлар эвазига ўтган йили КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети ҳамда ВЦСПСнинг Эсдалик байроғини олишга мушарраф бўлди.

Абдулла ака—колхозни шу даражага кўтариб қўйган захматкаш раис, ҳақиқий дала донишманди. Лекин аввалгидек ўша-ўша серташвишлиги бор. Ҳар куни янги бир ташвиш билан ўрнидан туради.

Шу колхозда ўн тўрт йилдан бери партқомлик қилиб, Абдулла ака билан «аравани бирга тортишиб келаётган» Набижон ака Собиров раиснинг иш услубини шундай таърифлаб берди:

— Аввало айтиб қўяй, Абдулла ака раис бўлибдики, идораси — кабинети йўқ. Одамлар билан даланинг ўзида гаплашиб, ишини тўғрилаб бериб кетаверади. Кабинетда ўтиришга ёмон кўради раисимиз. Чойхонага бир пиёла чой ичгани кириб ҳам одамларни қабул қилаверади, арзини эшитаверади. Аммо лекин ваъда беришни ёмон кўради, бўладиган ишни бўлади дейди, вақтида бўлдириб беради. Бўлмайдиганини бўлмайди деб шарт айтиб қўяқолади. Одамлар уни шу хислати учун ҳам яхши кўришади, гапини ҳеч иккита қилишмайди, топшириғини айтганидан зиёда қилиб бажаришади. Оқсоқол ҳали бардам, эртадан кечгача дала кезиб чарчамаганига ҳайрон қоламиз. Яна ҳар куни эрталаб соат олтида шу идоранинг олдида кўришамиз. Мен кечиксам — кечикманки, раис кечикмайди. Шу сўрида ўтириб бир пиёладан чой ичиб, қилиладиган ишлараи маслаҳатлашиб оламиз. Кейин иккимиз икки томонга қараб кетамиз. Шу кетганча кечкурун кўришамиз. Нима қилганимиздан, қаерларда бўлганимиздан, эртага қанақа иш чиқиб турганидан, ташвишларимиздан бир-биримизни хабардор қиламиз. Эртанинг режасини тузамиз.

Абдулла ака тинч ўтира олмайдиган серташвиш одам. Ҳаммавақт бирор нарса тўғрисида бош қотириб юради. Кейинги вақтда қурилишга ўч бўлиб қолди. Бир куни ўзи айтиб қолди: «Ҳосилдорликни кўтарямиз. Колхозчининг даромадини яхшилаб қўйдик. Лекин фалончининг даврида шунақа қурилишлар бўлиб қолган эди, дейишга арзигулик иш қилмабмиз» деб қолди. Шундан бери ҳам анча нарса қуриб қўйилди. Шийпонлар, болалар боғча-яслилари, мактаблар, юз ўринли касалхона, аптека битиб ишга тушди. Колхозчиларга элликдан ортиқ ғиштин замонавий уйлар қуриб берилди. Яна қанчаси битиш олдида. Бир сўз билан айтганда, раис колхоз қишлоқларини қурилиш майдонига айлантириб юборди.

Партком секретари Набижон ака раиснинг халқ ўртасидаги обрўси ҳақида гапириб туриб, бундан бир неча йил илгари бўлган бир воқеани эслаб кетди. Бу воқеа ҳақиқатан ҳам оддий меҳнаткаш халқнинг ўз раисига, Абдулла акага ишончи қанчалик баландлигидан далолат бериб турибди. Эшитинг-а.

— Бир куни райкомда бюро бўлди. Унда бизнинг колхоз ҳақида ҳеч гап бўлгани ҳам йўқ. Лекин кечга яқин телефонограмма бериб қолишди. Умумий мажлис чақирилса дейишди. Нима гаплигини билмаймиз. Таваккал чақирдик. Кейин кутиб ўтирибмиз-ўтирибмиз, на раисдан, на райком бюроси аъзоларидан дарак бор. Бир маҳал келиб қолишди. Билсак, қўшни Ленин номли колхозда ҳам умумий мажлис чақиришиб, Абдулла акани раисликка сайлаб юборишибди. Кейин бу ерга келишган экан, гап шунақа деб. Ҳа, десак, «қўшни колхозни кўтариб берсалар, жуда ўтириб қолди», дейишди. Шунда ҳали халқ билмайди-ю, ичкарида ўтирибмиз-у, правление аъзоларидан Эргашев деган деҳқон чол: «Битта саволим бор, мумкинми?» деб ўрнидан туриб қолди! «Раис қўшни колхозни-ку кўтариб юборар, лекин колхозимиз катта, биз ўтириб қолсак ким кўтаради?» деди. Шу гап ташқаридагиларга етибди. Одамлар «Абдулла акани бермаймиз» деб туриб олишди. Раисни бўшатиб олиб кетиша олмади. Кейин баъзи раҳбар ўртоқлар раисдан хафа бўлиб юришди. «Одамларингизнинг қулоғини пиширтиб қўйган экансиз, нима қилардингиз бизга розилик бериб» деган мазмунда. Йўқ, аввало ўзлари нотўғри йўл тутишган эди. Абдулла акани нинг бошқа колхозга раис қилиб сайланишига халқ рози бўлмаслигинь билиб туриб шундай қилишганди. Ноилож қўндирмоқчи бўлишганди. Ҳеч вақт кўпчилиннинг юзига оёқ қўйиб бўладими!..

Абдулла акани кўплар «ўзи раисликка туғилган одам» дейишади. У ҳеч қанақа институт ёки махсус мактабни битирмаган, лекин у кўпчиликка бош бўлиб, шу кўпчиликнинг ташвиши билан яшай билади. Унда шундай қобилият бор. Абдулла ака халқ орасидан чиққан раҳбар, дала донишманди. Баъзилар ҳайрон бўлишади, савод ун.чалик бўлмаса, бу одам қандай катта хўжаликка раҳбарлик қилади. дейишади. Аввало, Абдулла ака ярим умри раисликда ўтиб, хўжаликни бошқаришда жуда катта тажриба тўплаган. Кирим билан чиқимнинг фарқига келганда эса ундан ўтадигани йўқ. Гоҳо экономист ва бухгалтерларни ҳам доғда қолдиради. Мўлжал билан чамани жуда тўғри олади. Ақли етмайдиган масалаларда эса албатта ҳеч тортинмай правление аъзолари билан маслаҳатлашиб иш кўради, ўз билгисича ҳал қилиб юбормайди.

Унинг обрўйи ортиб бораётгани шундан.

Иккинчи ҳикоя

Иккинчи қаҳрамонимиз ҳам Абдулла ака сингари «раисликка туғилган», одамларнинг юрагига йўл топа биладиган, арзини эшитиб ёрдам бера биладиган ,ишчан одамнинг, у ким бўлишидан қатъи назар, ўрнини топиб, ҳамманинг олдида намуна қилиб кўрсатиб рағбатлантира оладиган, ишда ўзини кўрсатган дала донишмандларини раҳбарлик лавозимларига дадил кўтара биладиган раислардан. Унинг иш тутишида Абдулла акининг иш услубига ўхшашликлар билан бирга кўп янгиликлар ҳам бор. Айниқса, у қар бир янгликни тез пайқаб олабилиши билан ажралиб туради.

Ҳурматли Холматжон ака Марозиқовни олайлик. Ўзи бригадирдан чиққан раис. Тўққиз йил бурун Шаҳрихон билан Ёзёвон ўртасидаги чўлга 17 хонадонга бош бўлиб колхоз тузгани келган эди. Баъзи колхоз раислари обод ерларда йигирма йилда қилмаган ишни Холмат ака чўлда беш-олти йилда уддалаб қўйди. Чўлдан минг гектардан ортиқ ер ғортиб олди. Колхозни областда пахтачиликни тўла комплекс механизациялаштиргани хўжаликка айлантирди. Тўрт йилдирки, колхозда ялпи пахта ҳосилининг 90-95 процента машиналарда териб олинаётир. Колхоз қишлоғи тамомила янгича замонавий типда қуриб бўлинди. 325 хонадоннинг ҳаммаси бир хил тўрт хонали типовой ғиштин уйларда истиқомат қиляпти. Мактаб, ҳаммом, ёзги-қишки клублар, ошхона, болалар боғча-яслилари, магазинлар колхозчилар хизматида. Колхоз тўққиз йил ичида 2 миллион сўмликка яқин қурилиш қилибди. Колхозчилар бултур областда энг юқори — ҳар меҳнат кунига 6 сўм 88 тийиндан ҳақ олдилар. Уларнинг ўртача ойлиги 126 сўмни ташкил этяпти. Колхозда ҳосилдорлик 12,5 центнердан 29 центнерга кўтарилди.

Яқиндагина раис чорвачиликни рентабелли тармоққа айлантириб олиш ташвишида елиб-югуриб юрганди. Шунга бир йил ҳам бўлгани йўқ. Энди ферма замонавий бинога кўчирилиб, механизациялашни тугаллаш арафасида. Энди колхоз чорвачилик маҳсулотлари топширишда область колхозлари ўртасида пешқадамлик қиляпти. Область колхозлари ичида ҳар бир сигир бошига энг кўп сут согиб олаётган ҳам шу Охунбобоев районидаги Карл Маркс номли колхоз бўлиб қоляпти.

Яқинда яна бир янгликдан хабар топдик. Холматжон ака яна бир янгликка йўл очиш ташвишига тушиб қолибди. У бултур Марказий Фарғона шароитида ингичка толали пахта етиштириб кўришга киришган эди. Дастлабки гектарларга тажриба тариқасида экилган ипак пахта қувончли натижа берди. Бу нав колхоз далаларига экилган «108-Ф» навли пахтадан 16 кун эртаги бўлиб, ҳар гектар ҳисобига 30 центнердан ортиқ ҳосил териб олинди. Дадил тажриба натижалари ипак пахта Марказий Фарғонани ёқтираётганидан далолат бераётир. Холмат ака ипак пахтани бу йил алоҳида катта далага эктириб, унинг пахтасини машинада териб олишга мослаб парвариш қилдирмоқда. Раиснинг нияти — ипак пахтани Марказий Фарғона шароитига ҳамда унинг парваришч ва теримини комплекс механизациялашга мослаштириб, катта майдонларга экиш ва давлатга Марказий Фарғона ипак пахтаси етказиб беришдир.

Карл Маркс номли колхозда бир бўлганимизда бош бухгалтер Собир Баширов билан гаплашиб ўтириб қолдик. У колхозда истиқомат қилаётган йигирмага яқин аҳил миллат вакилларидан бири. Ўзи Кавказдан. Ўзбек тилини жуда яхши билади. Колхоз кирим ва чиқимининг моҳир дарвозабони у. Шу одам раис ҳақида характерли бир гап айтиб қолди.

— Отам раҳматлик бир нарсани кўп насиҳат қилар эдилар, — деди у. — қўли эгрилларга қун бермайдиган ҳалол одамлар билан бирга бўлгин, кам бўлмайсан, дердилар. Аввало, Холмат ака, қолаверса колхозимиз аҳли шунақа одамлар. Шунинг учун ҳам мен бу ерда ўрнашиб қолдим, уй-жой қилдим, кам-кўстим йўқ, ўз.мга тинчман.

Албатта. Холматжон ака Марозиқовнинг раислик стажи оз, энди ўн йил бўляпти. Лекин у шу ўн йилда орттирган тажриба, бизнингча, эътиборга лойиқ, у кўп раисларга қўл келиши мумкин. Қани энди, ҳамма раислар ҳам шундай тажрибага эга бўлса-ю. Холматжон акадай ишнинг кўзини билиб, хўжалик юритса!

А. НАБИХЎЖАЕВ,
М. МАНСУРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Қува-Ёзёвон, Маргилон.

МУСОБАҚАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Май ойида қизғин тус олган спорт мусобақалари июнь ойида ҳам давом этади. Бу ойда Ўзбекистон шаҳарлари спортчиларининг тўртинчи спартакиадаси оммавий тус олади. Иккинчи, учинчи ва тўртинчи группа бўйича мусобақалар тамом бўлди. Энди биринчи группага кирадиган Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент шаҳрининг иккита терма командасининг маҳоратли спортчилари спортнинг 12 тури бўйича мусобақалашадилар. 8-13 июнгача боксчилар ва шахматчилар Фарғонада, волейболчилар Самарқандда учрашадилар. 15-19 июнда боснетболчилар ўз турнирларини Фарғонада, енгил атлетикачилар эса 13-16 июнгача марказий «Пахтакор» стадионида ўтказадилар. «Пахтакор» стадионида 24 июнь куни биринчи республика ёшлар спорт ўйинлари спартакиадасининг байроғи кўтарилади.

Спартакиада ғолиблари Киев шаҳрида июль ойида ўтказиладиган ўсмирлар спартакиадасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш учун жўнаб кетадилар.

6-23 июнь кунлари марказий шахмат клубида шашкачилар ўйин ўтказадилар.

20-23 июнь кунларида «Правда» газетасининг совринини олиш учун республикамизнинг атоқли енгил атлетикачилари Москвага жўнаб кетадилар. Классик кураш бўйича спортчиларимиз 27-30 кунлари Душанба шаҳрида, эркин кураш бўйича 20-23 июнь кунлари Фарғона шаҳрида мусобақалашадилар.

ФУТБОЛ ТАРИХИДАН

Копток учун ўлим жазоси

Феодаллар, черковлар, савдогарлар енгилса шоҳидан копток ўйнинни таъқиклашни бир неча бор талаб қилишган, Чунки, футбол одамларни бирлаштиран тўп ўйнашни баҳона қилиб, қонимиятдан норизо бўлган кишилар тўпланишиб мулоҳаза юритишардн.

Феодалларнинг хоҳишини бажо келтириб, шоҳ Эдуард II 1313 йилда шаҳар атрофида футбол ўйинини таъқиклади. Шундан сўнг футбол ўйинлари шаҳар четида — қироллиндан анча нарида ўтказиладиган бўлди.., 1389 йилда Ричард II бу ўйинни теннис ўйинига таққослаб, коптон ўйнашни қатъиян ман қилди. Футбол ўйнаганлик учун энг олий жазо—ўлим жазоси жорий этилди.

Пировардида 1603 йилда футбол ўйинига яна ижозат берилди.

ҚИШЛОҚ ЖАМОЛИ

Телпакчинор қамишзорларини эслаган кишининг юраги орқасига тортиб кетади. Бор-йўғи бундан 30-40 йил муқаддам бу ерлар одам ўтиб бўлмайдиган балчиқ ва қамишзорлардан иборат бўлиб чивин-пашша ва ҳашаротлар макони эди. Ҳозир Телпакчинорни кўрган киши таажжубда қолади. Бу ерда қисқа вақт ичида улкан ўзгаришлар рўй берди, балчиқ ва қамишзорлар йўқ қилинди. Ҳозир бу ерда пахта фабрикаси деб ном олган «Коммунизм» колхозининг пахтазорлари, боғ-роғлари, кўз илғамас яйловлари ястаниб ётибди.

— Бизнинг колхозимизга марҳамат қилинг. Ўтмишдаги кора ўтов, чодир ва капалардан, ҳароба кулбалардан ҳатто нишона ҳам қолмаган эмди! — дейди колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Бобомурод Омонов.

Ҳа, раис бобо тўғри айтади. Колхозда тўртта участка, 64 қишлоқ бўлиб, уларни кафтдек тептекис йўллар бир-бири билан туташтириб туради. Ҳар бир участка обод ва кўркам шаҳарчани эслатади. Участкаларда клуб, кутубхона, магазин, касалхона, медпункт ва маиший хизмат корхоналари ишлаб турибди. Доимий кино установкалар меҳнаткашлар хизматида.

Колхоз генерал план асосида юксалиб бормоқда. Бу ерда хутор системасидан батамом воз кечилиб, шаҳар типидаги посёлкалар барпо этиляпти. Кейинги йиллар.да марказда правление идораси, маданият саройи, магазин, касалхона, кутубхона, ошхона, чойхона, шинам уй-жойлар ва маиший хизмат корхоналари ҳамда маданият ўчоқлари бунёдга келди. Колхоз территориясида 4 та ўрта, 10 та саккиз йиллик мактаб, 50 ўринли касалхона, 11 та медпункт, туғруқхона бор. Мактабларда меҳнаткашларнинг 5 мингдан ортиқ фарзанди тарбияланмоқда.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV ва XIII пленуми қарорлари меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини кўтариш ва қишлоқларни обод, кўркам этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қишлоқлар тўла электрлаштирилди, ҳамма хонадонлар радио точкалари билан таъминланди. Колхозда турмуш маданияти университети ташкил этилди.

Колхоз правленнеси ва партия комитети шу йилдан бошлаб қишлоқларни янада кўркам ва обод қилиш, янги посёлкаларнинг ҳаммасини шаҳар типида қуриш масалаларини ҳар бир йиғилиш ва мажлисда муҳокама этишни одат тусига киритиб олди. Яқинда аҳолининг қолган 20 процентини ҳам уч йил ичида янги уй-жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Бу тадбирларда жуда кўп уй-жойлар, жамоат binоларини бунёд этиш ўз ифодасини топган.

Колхозда ўтган йили маданий-маиший ва уй-жой қурилиши учун 1 миллион 229 минг сўм пул ажратилган ва бу маблағ шу мақсад учун сарфланган эди. Бу йил маданий қурилиш учун 1,5 миллион сўм ажратилди.

Белгиланган режаларга асосан колхоз марказидаги 8 гектар майдонда комсомол маданият ва истироҳат парки бунёд этилди. Бу боғ ичида 10 минг кишилик стадион қурилмоқда. Шунингдек, Комсомол боғи ёнида ёзги клуб, ошхона, чойхона, меҳмонхона, медпункт, магазин, сартарошхона қуриш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Шу йилнинг ўзида колхозчилар учун 50 та уй қуриб бериш планлаштирилган эди. Ҳозиргача 20 та уй қурилди Генерал план асосида типовой мактаб, 2 та клуб, болалар боғчаси, 10 та дала шийпони қурилмоқда Коммунал хўжалик хизматини яхшилаш мақсадида 8 километр узунликда водопровод ўтказилиптн. Айни вақтда маданий ва ишлаб чиқариш binoлари қуриш кенг қўламда қизитиб юборилди.

Бу колхоз Сурхон водийсидаги энг йирик ва гигант хўжаликлардан бирига айланди. Ўтган йили 3600 гектар майдонда пахта етиштиридн. Колхоз меҳнаткашлари юбилей йилида 7 миллион сўмдан зиёд даромад қилдилар. Умумий даромаднинг катта қисми капитал қурилиш учун ажратилмоқда.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи йилида қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари етиштириш юзасидан юксак мажбуриятлар қабул қилдилар. Ҳозир ғўза парваришн ишлари қизиб кетди Аламат колхозчилар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан бирга, қишлоқлар жамолини тобора кўркамлаштириш, колхоз посёлкаларини ободонлаштириш учун курашяптилар.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭСТОНИЯДАН ХАТ

ПАЙВАСТА ДИЛЛАР

ФОТОЛАВҲА



Суратда «Пик Херман» минораси тасвирланган. Унинг устида Эстония Совет Социалистик Республикасининг давлат байроғи ҳилпираб турибди. Бу бинода республиканинг ҳукумат муассасалари жойлашган.

ТАЛЛИН — САЙЁҲЛАР ШАҲРИ

Эстония асрлардан буён Шарқ билан Ғарбни уловчи улкан бекатдир. XII—XV асрлардаёқ савдогарлар Эстония орқали Ғарб давлатларига йўл олганлар. Республикамиз пойтахтининг Марказий қисмида қад кўтарган «Тоомпэа» шаҳри ва унинг атрофлари ўша йиллардан ажойиб ёдгорликдир.

Бу кунги Таллин ҳам Ватанимизнинг ғарбий чегарасида жойлашган муҳим шаҳарлардан, Болтиқ бўйидаги сайёҳлар севган машҳур марказлардан ҳисобланади. Таллин — Хельсинки кема йўли очилгач хорижий сайёҳлар сони айниқса ортди. Ўтган йилнинг ўзида Эстония 20.000 чет эллик меҳмонни кутди. Яқин келажакда Таллин—Хельсинки ўртасида автопаром ишга туширилади. Таллиндан Рига орқали Жанубга қараб кетадиган йўл Финляндия ва бошқа шимолий мамлакатлар билан улайди. Бу ва шунга ўхшаш қатор қулайликлар сайёҳларнинг келишини яна кўпайтиради.

Таллинга бир йилда сайру-томошага келган 300.000 сайёҳнинг 10.000 дан кўпроғи Ўрта Осиёлик меҳмонлардир. Биз шунга хурсандмизки, меҳмонларнинг ҳаммаси Таллинда — кўришга, ўрганишга арзийдиган зиёратгоҳлар етарли экан, деб эътироф этишади. Таллиннинг 800 ёшли кўҳна қисми тарихнинг жонли гувоҳидир. Унинг осмонўпар деворлари, миноралари ва бошқа бинолари ўз жозибаси билан археологларнинг, санъатшуносларнинг, тарихчиларнинг эътиборини тортади.

Эстония хазиналар маскани бўлган ери, сўлим табиати, корхоналари, ривожланган қишлоқ хўжалиги, илмий муассасалари, денгиз бўйи курортлари билан ҳам машҳур.

Таллин тенг ҳуқуқли социалистик республиканинг юраги. Бу юрак совет тузуми билан ҳамиша барҳаёт, бардам.

БАЛИҚЧИЛАР БАХТИ

Эстонияни уч томондан сув ўраб олган. Соҳилда яшайдиган аҳоли асрлардан буён балиқчилик билан шуғулланиб келади. Таллин килькаси, Болтиқ балиғи, Нарв қисқичбақаси жаҳонга машҳур.

Эстон балиқчилари буржуазия Эстониясида жуда ночорликда яшаганлар. Ов ўнгидан келиб, мўмай даромад келтирганда ҳам оддий балиқчига нафи теккан эмас. Бир йилда бор-йўғи 15 000—25 000 тонна атрофида балиқ тутилган.

Эстонияда Совет ҳукуматининг қарор топиши билан, балиқчилар ҳаётининг ёрқин саҳифаси очилди. Эндиликда балиқчилик саноати республика экономикасининг энг муҳим тармоқларидан ҳисобланади. У яхшилаб механизациялаштирилган. Балиқчи қанча кўп балиқ тутса, шунча кўп даромад қилади, бундан давлатга ҳам катта манфаат келади.

1967 йилда республика балиқчилари буржуазия Эстониясида 10 йил давомида тутилганича балиқ ов қилдилар.

Килька ва салака балиқлари қирғоқ яқинидаги сувдан тутилади. Бу ишни махсус тузилган колхозлар бажаради. Ҳамма колхоз ҳозирги замон техникаси билан таъминланган. Таллин яқинидаги Киров номидаги балиқчилик колхози йирик намунали хўжаликлардан ҳисобланади. 50 километрдан ортиқ денгиз соҳили — хўжалиги ҳисобланган бу колхозда бир ярим минг меҳнатга яроқли аъзо ишлайди. Колхоз қишлоғи шаҳар типидаги уй-жой ва жамоат бинолари билан кўркам, файзли. Ойнавандли завод цехларида Таллин килькаси, шпрот ва бошқа балиқ консерв.лари тайёрланади. Ҳамма цехларда бир неча йиллардирки, хўжалик ҳисоби жорий этилган. Колхозчилар манфаатдорлигининг оширилганлиги колхоз хўжалигининг янада мустаҳкамланишига олиб келди. Ҳозир бу хўжаликнинг тажрибасини ўрганишга Архангельск, Астрахан дан ҳамкасблари келмоқдалар.

Ҳар бир колхозчининг бир йиллик ўртача даромади 2 400 сўмни ташкил этади.

Колхоз ўзининг радиостанциясига ва бошқа маданий-маиший корхоналарига эга. Аъзолар икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасидан баҳрамандлар. Болалар колхоз пионерлар лагерида дам оладилар. Ўтган йили 100 дан ортиқ колхозчи дам олиш уйларида бўлдилар. Кекса колхозчилар пенсия билан таъминланганлар.

Эстонияда бундай колхозлар кўп.

Талва ЯАК,
Эстония республика газетаси «Рахва Хяэль»нинг мухбири.
Муаллиф фотолари.

Суратда: Фин кўрфази соҳилида.



Суратда: Таллиннинг Вишгороддан кўриниши.

РАДИО БУГУН

ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8,25 — Концерт, 9.30—Куйлар, 10.30—Шарқ халқлари куйлари, 11.15 — «Табассум» радиожурнали, 12.15—«Эрталабки салом!» (Москва), 13.30—Енгил саноат ходимлари учун эшиттириш ва концерт, 15.00 — Саволларингизга жавоблар, 15.10—Концерт (енгил саноат ходимларининг талабларига мувофиқ), 17.40 — Экран янгиликлари, 18.00 — Музикали салом, 18,40 — Музикали эшиттириш, 19.20 — «Музикали глобус», 20.00 — «Ешлик» программаси, 20.30—Енгил куйлар, 21.00 —«Дунё харитаси олдида», 21.20— Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 23.10—«Ҳайрли кеч» (концерт).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 11.00 — **Концерт** (болалар учун), 11.30 — **Кинофильм** (болалар учун).

Ўзбек тилида: 12.30 — **Сув, Ҳиргойи** (мультфильмлар), 12.55— **«Ёш куч» спорт программаси,** 13,25 — **Тўрин от номидаги бурун** (телефильм), 13.45 — **Жон қизлар** (қозоқ тилида), 15.15 — **Буни ҳар ким билиши керак** (рус тилида), 16,55 — **Кўрсатишлар программаси,** 17.00 — **«Ахборот.** Информацион программа (рус тилида).

Ўзбек тилида: 17.30 — **«Ёшлик» студияси кўрсатади,** 18.30 — **Жонажон Ватан бўйлаб,** 18.50—**Енгил саноат ходимлари кунига бағишланган эшиттириш,** 19.50 — **Кўрсатишлар программаси,** 19.55 —**Йўқ ва ҳа** (кинокомедия, рус тилида), 21.10 — «Ахборот» информацион программаси, 21.40 — Ўзбекистон санъат усталари. Р. Болтаев.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.00 — **Ўқув эшиттиришлар программаси. Олий ўқув юртларига кирувчилар учун физикадан ўзбек тилида машғулот.**

12.00 дан—Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан — **Фрунзе телевидение студиясининг эшиттиришлари.**

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/VI да **Жон қизлар,** 10/VI да **Бағри тош.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Спартак — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Олга, Франция! — «ЧАЙКА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Плюшчихдаги «Уч теран» — «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Жиноятчи қолдирган из—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун). НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим, 5, кеч 6-40 ва 8-20 минутда).

Зоя НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, 11-40 кундуз 3-20 минут ва кеч 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8.45 ва 10-30 минутда бошланади)

Ганга ва Жамна (I ва 2-серия) —«РАКЕТА».

Чехча қотиллик — НАВОИЙ номли.

Плюшчихдаги «Уч теран» — «ФЕСТИВАЛЬ».

Жиноятчи қолдирган из — «ХИВА».

Тошкент Қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

Иван Федорович СУКАЧнинг

тўсатдан вафот этганлигини маълум қиладилар ва марҳумнинг оиласига чуқур таъзия билдирадилар.

«Узглавлёгонабсбит» ва Марказий махсус база администрацияси, партия ташкилоти ва маҳаллий комитети бўлим бошлиғи З. А. Акбарованинг отаси

Акбар КОМИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

НАВБАТДАГИ СУИҚАСД

Шу йил 5 июнь кечаси Лос-Анжелеснинг «Амбассадор» меҳмонхонасида АҚШ президентлигига номзод сенатор Роберт Кеннеди ҳаётига суиқасд қилинди. Қотилнинг отган ўқи Р. Кеннедини оламдан олиб кетди.

АҚШ президенти Жон Кеннеди ҳалок бўлган Далласда 1963 йилги фожиа ҳали хотирадан кўтарилмасдан, Мемфисда 1968 йилнинг баҳорида отилган ва ҳаётдан оташин курашчи Мартин Лютер Кингни олиб кетган ўқ садолари ҳали ўчмасдан навбатдаги жиноят қилинди.

Америка Қўшма Штатларида рўй берган бу воқеа тасодифий ҳолми? Йўқ, албатта. Қўшма Штатлар тарихи сиёсий суиқасдлар, қотилликлар, фитналар ва зўрлашлар сингари инсоний ҳаётга зид бўлган драматик воқеаларга жуда бой. Мамлакатнинг икки президенти — Авраам Линкольн ва Жон Кеннедининг бурчакдан туриб хоинларча отилган ўқдан ҳалок бўлганлари фикримизнинг далилидир.

Безори қаҳрамон хисобланадиган, бировнинг бахти иккинчи бировнинг бахтсизлиги устига қурилган, каллакесар ва йўлтўсарлар кеча-кундуз эркин изғиб юрадиган бу касал жамиятда ҳар нарса содир бўлиши мумкин. Инқирозга мубтало бўлган капиталистик тузумнинг ибдислиги, унинг тобора чириб бораётгани турли-туман иллатларни майдонга олиб чиқмоқда. Энг ривожланган демократия мамлакати деб аюханнос солинаётган бу мамлакатда қонунсизлик, граждаилар ҳуқукини поймол қилиш системага айланиб бормоқда.

Радио ва телевидение эшиттиришлари, вақтли матбуот саҳифалари аҳолининг диққатини асосий проблемалардан четга буриш учун капиталистик жамиятнинг ажралмас йўлдоши бўлган иркчилик, безорилик, корчалонлик, ҳарбий васвасалар билан тўлиб-тошган. Телевизор экранларида мунтазам равишда кўрсатилаётган порнографик фильмлар, отишмалар ва ҳарбий ҳаракатларни катта планда кўрсатаётган турли хил эшиттиришлар кишилар онгини заҳарламоқда. Сиёсий суиқасдлар ва қотилликлар ҳеч кимни, ҳатто президент ва сенаторларни ҳам, ақлирасо олимлар ва ёшгина ўқитувчиларни ҳам аямай, миллий ҳалокат гусини олмоқда, улар мамлакатда кундалик воқеа бўлиб қолмоқда.

Сенатор Роберт Кеннедига отилган ўқлар ҳам ана шу кундалик воқеалар занжиридаги кўринишлардан биридир. Р. Кеннеди навбатдаги президент сайловларига ўз номзодини қўйган ва сайлов кампаниясининг дастлабки даврасида муваффақият қозонаётган эди. У сайловолди кампаниясини оддий америкаликларни қизиқтирган туб масалаларни ҳал қилиш йўлларини кидиришга қаратилган тадбирлар тўғрисидаги программа билан бошлаган эди. У Вьетнамдаги урушни дарҳол тўхтатиш ва иркий камситишларга барҳам бериш тарафдори эди. Шунинг учун ҳам сайловчилар унинг номзодини ёқлаб чиқишаётган эдилар.

Шубҳасиз, Лос-Анжелесда отилган ўқ ана шу муваффақиятни кўра олмаган кишиларнинг қабиҳлигидир. Энди навбат кимники? Бу «ўта демократик» мамлакатда қотиллик кескин қораланмас экан, суиқасд кетидан суиқасд қилинавериши турган гап.

Жаҳон жамоатчилиги АҚШда тобора авж олиб кетаётган бундай қотилликларга барҳам берилишини талаб этмоқдалар. Ахир панадан туриб отилган ўқ борган сари ақлирасо кишиларни дунёдан олиб кетмоқда.

Т. СОЛИЕВ,
аспирант.

Болгария пойтахтида 120 дан кўпроқ мамлакатдан келадиган ёшларни муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. «Диана» спорт комплексида янги 16 қаватли уйлар қад кўтарди. Бу ерда ёшлар ва студентларнинг IX жаҳон фестивали қатнашчилари яшайди. Суратда: «Диана» спорт комплекси биносининг умумий кўриниши.

БТА — ТАСС фотоси.

Яна ўт очилди

ҚОҲИРА, 6 июнь. (ТАСС). Бугун эрталаб Исроил қўшинлари Адасия районида (Иордан дарёси водийсининг шимолий қисмида) Иордания позицияларига пулеметлардан ўт очганлар.

РОБЕРТ КЕННЕДИ ВАФОТИДАН СЎНГ

НЬЮ-ЙОРК, 6 июнь. (ТАСС). Сенатор Роберт Кеннеди вафот этганлиги америкаликларни чуқур ҳаяжонга солиб қўйди. Президент Жонсон кечаси Вашингтонда баёнот эълон қилиб марҳум сенаторнинг оиласига таъзия билдирди. Президент 9 июнь якшанба кунини миллий мотам куни, деб эълон қилди.

Американинг кўпгина сиёсий арбоблари ҳам Р. Кеннеди ўлдирилганлиги хусусида баёнот беришди. Улар айтаётган гапларнинг деярли ҳаммасида мана шундай жиноятлар қилиниши мумкин бўлган мамлакатдаги вазият ташвиш тўдираётганлиги сезилиб турибди.

Демократик партия номидан президентлик лавозимига ўз номзодининг кўрсатилишига ҳаракат қилаётган вице-президент Губерт Хемфри бундай деди: «Орамиздаги ақлга сиғмас нафратга хотима бермоқ учун бизнинг миллатимиз етарли куч, ишонч ва донишмандликни ўзидан тополармикан».

КАМБОДЖАГА ҚАРШИ ИҒВОГАРЛИК

ПНОМПЕНЬ, 7 июнь. ТАСС мухбири О. ШИРОКОВ билан А. БЛИНОВ хабар қиладилар:

30 майдан 31 майга ўтар кечаси «Дакота» типидаги самолёт Камбоджанинг осмон чегарасини бузиб Кандал вилоятида Камбоджа территориясининг олти километр ичкарисига кирди. Чегарани бузиб ўтган самолёт Камбоджа ҳарбий постини ва соқчи қавиқни пулеметдан ўққа тутиб, икки солдатни жароҳатлантириди.

Кеча Пномпенда эълон қилинган баёнотда Камбоджа қироль ҳукумати бу «атайин қилинган янги жиноий агрессия ҳаракатини» қоралаб, бу агрессия ҳаракати «Америка ҳукуматининг Камбоджа ҳақидаги ҳамма гаплари мунофиклик эканлигини фош қилиб ташлади» дейилади.

2 июнга ўтар кечаси Жанубий Вьетнам территорияси томонидан Камбоджанинг Компонгчам вилоятидаги Бенгчрей қишлоғи тўпга тутилди. Тўпга тутиш натижасида 56 ёшли бир деҳқон ҳалок бўлди, бир қанча уйлар шикастланди. Худди шу вақтда шу қишлоқ яқинидаги Трапеанг Руссей қишлоғини Жанубий Вьетнам томонидан учиб келган самолёт ракеталардан ўққа тутди. 16 яшар бир қиз ўлди, уч хотин жароҳатланди, уйлар вайрон бўлди.

Шу жойга етиб келган ажнабий, камбоджалик журналистлар, ҳужум натижасида кўп жойлар вайрон бўлганлигини, ракеталар ағдариб ташлаган чуқурликларни ва шу чуқурликлар атрофида Америка тамғаси босилган ўқ парчаларини кўрдилар.

ИНДОНЕЗИЯ ҲУКУМАТИДА ЎЗГАРИШЛАР

ЖАКАРТА, 7 июнь. (ТАСС). Кеча Индонезия президенти Сухарто янги ҳукумат 18 министрдан иборат қилиб тузилганлигини эълон қилди.

Сухарто министр-координаторлар сонини кўпайтириб бундай министрларни икки кишидан беш кишига етказди. Янги министр-координаторлар қуйидагилардир: Харсоно Тьо-Крамиото (давлат аппарати), Суновар Сукавати (ҳукумат лойиҳалари) ва Минтарежа (Халқ билан алоқа қилиш масалалари билан шуғулланади).

Ҳукуматнинг уч янги министри қуйидагилардир: информация министри қилиб тайинланган авиация вице-маршали Будиаржо; молия министри профессор Али Вардхан ва савдо министри доктор Сумитро Жожохадику Сумо.

И. Ф. СУКАЧ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Иван Федорович Сукач шу йил 8 июнда тўсатдан вафот этди.

У 1902 йил 19 февралда Полтава губернясида туғилди. 1925 йилда Тимирязев қишлоқ хўжалиги академиясини тамомлагач, 1926 йилдан бошлаб, Ўзбекистон ССР партия, совет ва қишлоқ хўжалиги органларида муттасил ишлаб келди.

И. Ф. Сукач Ўзбекистон ССР Госплани раисининг ўринбосари, қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг директори бўлиб ишлади, кейинчалик эса Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтида тупроқшунослик ва деҳқончилик кафедрасининг мудири, «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналининг масъул редактори бўлди.

И. Ф. Сукач кўпгина илмий ишлари билан республикада қишлоқ хўжалигини ва олий таълимни ривожлантиришга жуда катта ёрдам кўрсатди.

Партия ва ҳукумат И. Ф. Сукачнинг меҳнатига юксак баҳо бердилар. У уч марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, уч марта «Ҳурмат белгиси» ордени ва медаллар билан тақдирланди.

И. Ф. Сукачнинг бутун онгли ҳаёти ўз халқининг ишига, Коммунистик партия ишига чексиз садоқат намунаси бўлди.

И. Ф. Сукачнинг порлоқ хотираси қалбларимизда доим сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

ОБ-ХАВО

Бугун кундузи Ўзбекистон областларида ҳаво ўзгариб туриши кутилади. Фарғона водийсининг тоғ этакларида жойлашган ва тоғли районларида вақти-вақти билан қисқа муддатли ёмғир ёғади ва момақалдироқ бўлади. Шимоли-ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсиб туради. Шамол вақти-вақти билан секундига 15 метр тезликгача кўтарилиши мумкин. Ҳавонинг ҳарорати 27-33 даража бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шимоли-ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсиб туради. Ҳавонинг ҳарорати 26-28 даража атрофида бўлади.

ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР ЎЗБЕКИСТОН ТЎҒРИСИДА

ИБРАТ

Судан олими ва атоқли жамоат арбоби, шу мамлакат ёзувчилар союзи раисининг ўринбосари Аҳмад Абдил Ҳалим Ўзбекистоннинг муваффақиятлари билан танишди. Меҳмон Тошкентдан ташқари Самарқанд ва Бухорони ҳам бориб кўрди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий муассасаларида, Тошкент ва Самарқанд университетларида бўлди, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамиятида анчагина суҳбатлашди.

Аҳмад Абдил Ҳалим Тошкентдан учиб кета туриб, УзТАГ мухбирига қуйидагиларни айтди:

— Ўзбекистондаги фан тараққиёти менда жуда кучли таассурот қолдирди. Бунинг ҳаммаси улуғ В. И. Ленин Декрети билан вужудга келган Тошкентдаги университетингиздан бошланди. Маориф ва фаннинг ривожланиши экономика соҳасида ажойиб муваффақиятларга олиб келган, буни мен республикангизни айланиб юрганимда ўз кўзим билан кўрдим.

Судан билан Ўзбекистоннинг табиий шароитида, урф-одатларида, аҳолининг маданияти ва турмушида умумийлик кўп. Мамлакатим ҳаётининг кўп жиҳатлари 1917 йил Улуғ Октябрь революциясига қадар Ўзбекистонда бўлган аҳволга ҳали ҳам ўхшаб турибди. Шу сабабли ижтимоий ва иқтисодий турмушни ўзгартириш борасида Ўзбекистонда тўпланган тажриба ривожланаётган мамлакатларнинг халқлари учун жуда ибратлидир. Ўзбекистон биз учун ажойиб ибрат ва рамз бўлиб қолди. Мен шуни айтмоқчиманки, агар ижтимоий тузум одамларнинг манфаатларига мос бўлиб тушса, улар жуда кўп нарсаларга эриша оладилар. Ўзбекистондаги социализм қуриш тажрибаси ривожланаётган мамлакатларнинг халқларига катта таъсир ўтказишига шак-шубҳам йўқ. Менинг республикангиз олимлари ва мутахассислари билан учрашувим жуда фойдали бўлди. Ўзбекистонни келиб кўрганим учун бахтиёрман.

Редактор М. КОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — 836545. Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323. Масъул секретарь — 834455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283. Партия турмуши — 833469. Марксизм-ленинизм назариясини ташғанда қилиш — 831216. Халқаро ҳаёт — 837604. Коммунистик тарбия — 831455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 834780. Совет қурилиши — 833258. Қишлоқ хўжалиги — 837604. Адабиёт ва санъат — 832036, 837221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834151. Маҳаллий ахборот ва спорт — 832347. Оммавий ишлар ва хатлар — 838679, 833553. Иллюстрация — 834524. Стенографистка — 837343. Корректура — 837162. Эълонлар — 839249, 830250, 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85. Бухоро 31—41. Қарши 3—08. Нукус 42—62. Самарқанд 31—972. Термиз 23—27. Фарғона 41—88. Урганч 34—55.

Б № — 133. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р — 08491.